

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

“ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ” ФАКУЛЬТЕТИ

“МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ МУАССАСАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА
БОШҚАРИШ” КАФЕДРАСИ

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН
ПРОДЮСЕРЛИК МАРКАЗЛАРИНИНГ СПЕЦИФИК
ХУСУСИЯТЛАРИ”**

мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

“Битирув малакавий иш
кафедрада дастлабки ҳимоядан
ўтди”

“Маданият ва санъат
муассасаларини ташкил этиш
ва бошқариш” кафедрасининг
_____ - сонли йиғилиш
баённомаси

“_____” _____ 2016 йил

Кафедра мудирини:
_____ *Ҳ.Х.Шодиев*

Бажарди: 5151700 – “Маданият ва
санъат муассасаларини ташкил
этиш ва бошқариш” таълим
йўналиши битирувчиси
Бекова Азиза Алимовна

Илмий раҳбар: _____
Катта ўқитувчи *В.Қ.Рустамов*

ТОШКЕНТ – 2016

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I боб. Продюсерлик марказлари фаолиятининг назарий жиҳатлари	
1.1. Продюсерлик марказлари тушунчаси ва ривожланиш босқичлари.....	8
1.2. Шоу-бизнес “юлдузи”ни яратишда продюсер ва продюсерлик марказларининг ўрни.....	40
1.3. Ўзбекистонда продюсерлик марказларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши.....	48
II боб. Продюсерлик марказлари фаолиятида ижодий технологиялардан фойдаланиш	
2.1. Продюсерлик маркази лойиҳаларининг таҳлили (“PROART” ижрочилик санъати маркази мисолида).....	60
2.2. Янги лойиҳани режалаштириш ва босқичма-босқич амалга ошириш (“TARONA RECORDS” продюсерлик маркази мисолида).....	73
Продюсерлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлганларга тавсиялар	79
Хулоса	84
Фойдаланилган адабиётлар	86
Илова	88

КИРИШ

Муҳтарам Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов ўзларининг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида “маънавият” тушунчасига энг тўлиқ ва мукамал таъриф бериб:, “Маънавият-инсонни руҳан покланиш, калбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бут қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”¹-деб таърифлайдилар. Халқнинг бебаҳо бойлиги бўлган маънавиятни ривожлантириш, тарғиб қилиш, бойитиш, ҳар бир фуқаронинг юксак маънавий даражасини таъминлаш энг муҳим ва энг долзарб масалалардан бири сифатида қайд этилди. Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистонда маънавият давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мамлакатимиз раҳнамоси томонидан иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида инсоннинг рухий камолоти билан боғлиқ соҳаларни ҳам ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Инсонни қалбига йўл топиш учун таълим, матбуот, телевидение, театр, кино, адабиёт, мусиқа ва санъатнинг барча йўналишларига жиддий муносабатда бўлиш зарурлиги доимий вазифа қилиб қўйилди.

Бозор муносабатларига ўтиш жараёнининг жадал суръатлари ҳамда кенг миқёсда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар натижаси янги турдаги кўплаб профессионал фаолият турларининг пайдо бўлишига олиб келди.

Жумладан, юртимиз саҳналарида бозор механизмларининг шаклланиши натижасида тадбиркорлик фаолиятининг ўзига хос алоҳида тури – продюсерлик фаолияти вужудга келиб, ривожлана бошлади.

Моҳиятан жамият ва маданият орасида боғловчи ҳалққага айланган продюсерлар кўлида бадий жараёнлар боришига ҳамда маданият ривожининг умумий суръатларига таъсир кўрсата олувчи, шунингдек, оммавий онгни бошқара олувчи жиддий дастак (восита)лар пайдо бўла

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч., – Т ., 2008. – Б.4

бошлади. Бадиий таъсир воситалари эса жуда катта кучга эга бўлиб, инсон ва жамият онгини ўзгартиришда, шахс руҳиятига таъсир ўтказишда, одамларни ҳаракатга ва жунбушга келтиришга қодир. Шундай экан, продюсерлик фаолияти институтлари, маданият соҳасини бошқара олувчи бўлган сифатида бир томондан, юртимиз маданиятига ижобий туртки бера олиши, бошқа томондан эса, айнан унинг ўзи қўлидаги кучли таъсир воситалари билан маданиятимиз ривожини боши берк кўчаларга олиб бориб қўйиши мумкин.

Шу учун айнан ҳозир, замонавий ўзбек маданияти ва санъати, шунингдек, оммавий коммуникациялар ривожидида ҳал қилувчи омил сифатида иштирок этиб келаётган продюсерлик фаолияти институтларини изчил ўрганиш, уларнинг ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир доираларини эътибор билан объектив равишда таҳлил қилиш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур битирув малакавий иш мақсади – продюсерлик фаолиятининг специфик хусусиятларини очиб бериш, продюсер – ижодий касб эканини кўрсатиб бериш, ҳамда Ўзбекистонда фаолият юритаётган продюсерлик марказларининг спецификаси, ўзига хослиги, мавжуд ютуқ ва камчиликларини ёритиб беришдан иборат.

Битирув малакавий иш мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги: сўнгги йилларда продюсерлик фаолияти институтлари нафақат бутун жаҳон, балки замонавий ўзбек маданияти ва санъати майдонида ҳам тобора нуфузли ва аҳамиятли позицияларни эгаллаб бораётгани билан ифодаланади. Йиллар давомида кинематография ва телевиденияда, унданда олдинроқ – шоу бизнесда, продюсерлар маданият ва санъат соҳаси йўналишлари ва асосий ривожланиш векторларини аниқлаб, ҳаттоки белгилаб берувчи асосий (тамомила ҳал қилувчи) “калит” фигураларга айланиб бўлдилар. Ҳозирда ҳам айнан улар эстрада, кино ва телевидениенинг репертуар сиёсатини ишлаб чиқиб, у ёки бу “юлдуз”ларни аванссаҳна (пешсаҳна)га олиб чиқиш ёки аксинча саҳна ортига силжитиш орқали ижрочиларнинг ижодий таркибини шакллантириб келадилар.

Ҳозирги техника ва технологиялар ривожланган даврда, таъсирчан воситаларни, барча имкониятларни тўлиқ қўллай оладиган продюсерлик касбини расман шакллантириш долзарб масаладир.

Бу соҳанинг республикамизда энди шаклланаётган, ёш соҳалигини ҳисобга олиб, бу соҳада фикрлай оладиган, кучли фантазия, ташкилотчилик, молиявий қобилиятга эга бўлган продюсерларни тарбиялаш асосий вазифадир.

Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши: Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистонда фаолият юритаётган продюсерлик марказлари ва уларнинг специфик хусусиятлари белгиланди. Ривожланган давлатлардаги машҳур продюсерларнинг илғор тажрибаларига асосланиб, продюсернинг кўп қиррали иш фаолиятини ўрганиш тадқиқотнинг предмети қилиб белгиланди.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари: Тадқиқотда республикамизда амалга оширилаётган маданий тадбирлар, шоу-бизнес дастурлари ва соҳага оид лойиҳаларни рақобатбардош, томошавий, композицион жиҳатдан мукамал, замон талабига жавоб бера оладиган бўлишида продюсерларнинг ўрнини белгилаш ва улар фаолиятини такомиллаштириш мақсад қилиб қўйилди. Бу мақсад ва вазифаларни ўрганишда жаҳоннинг энг йирик продюсерларининг, олимларнинг изланишларига таяндик.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари:

Тадқиқот асосига қуйидаги масалалар ва фаразлар асос қилиб олинди:

- продюсер ишининг самарадорлигини ривожлантиришда ижодий технологиялардан фойдаланиш;
- ижодий лойиҳаларни амалга оширишда дифференциал ёндашув услубларини ишлаб чиқиш;
- ижодий фаолиятни ташкил этишда продюсернинг иқтисод, ҳуқуқ, менежмент борасидаги салоҳиятини шакллантириш услубларини тадқиқ этиш.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили: Тадқиқотнинг методик асосини жаҳоннинг машҳур продюсерлари ижодий фаолиятлари, ижодга бўлган шахсий ёндашувларининг характери, улар амал қилган қонун-қоидалар асос қилиб олинди.

Бу соҳада илмий изланиш олиб борган Алексеев И., Аркус Л., Сильянов С., Ёзефович Г., Кирилёв А., Кокерев И., Криштул Б., Кошкин В., Полн., Лазурас Ш., Рыбин А., Сильянов С., Черномыс С., Корнеев С., Огурчиков П., Смелянский И., Кравцов Ю., Родянский А., Брукхаймер И., Тальберг И., Слезник Д.ларнинг ишлари ўрганиб чиқилди. Ўзбекистон шароитида эса бу соҳа эндигина ривожланиб бормоқда. Б.С.Сайфуллаев ҳамда В.Қ.Рустамовлар ҳаммуаллифлигида яратилган “Продюсерлик маҳорати асослари” дарслиги, М.Бекмуродовнинг “Менежмент назарияси ва амалиёти” ўқув қўлланмаси, А.Умаровнинг “Санъат менежменти” каби ўқув адабиётлари билан танишиб чиқилди.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи: Тадқиқотда кузатув, сўров, ҳужжатларни ўрганиш услубларидан фойдаланилди. Республикамизда ва жаҳонда амалга оширилаётган продюсерлик лойиҳалари чуқур кузатиш услуби орқали ўрганилиб, продюсерлик касбининг технологияси таҳлил қилинди. Санъаткорлар орасида ўтказилган сўровлар эса продюсер керакми ёки йўқми, деган саволга ойдинлик киритишга ёрдам берди. Ҳужжатларни ўрганиш продюсерлик касбидаги молиявий, ташкилий-ҳуқуқий, ижодий-бошқарув жараёнларни амалга оширишда тактика ва стратегияни қандай қўллаш зарурлигини аниқлашда ёрдам берди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти: Тадқиқотда продюсер ҳамда продюсерлик марказларининг ижодий фаолияти, лойиҳаларни амалга оширишда адабий-бадиий материал билан, ижодий гуруҳ билан ишлаш услублари, иқтисод, молиявий, ҳуқуқий масалаларни ҳал этиш қоидалари назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилиб таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- продюсерлик марказларининг санъат ва маданият соҳасининг таракқиётида тутган ўрнини белгилаш;
- продюсер иш фаолиятидаги турли йўналишларнинг моҳиятини очиб бериш;
- ижодий жараёни ташкил этишда продюсернинг ижодий гуруҳ билан ишлашнинг янгича усулларини намоён қилиш;
- янги лойиҳани режалаштириш ва босқичма босқич амалга ошириш қоидаларини ўрганиш.

Битирув малакавий иш таркибининг қисқача тавсифи: Битирув малакавий иши кириш, икки боб, бешта параграфдан иборат бўлиб, тавсиялар, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган.

I боб. Продюсерлик марказлари фаолиятининг назарий жиҳатлари

1.1. Продюсерлик марказлари тушунчаси ва ривожланиш босқичлари

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида постиндустриал жамият вужудга келиши билан, “товарларни ишлаб чиқариш иқтисодиёти”дан “хизматлар кўрсатиш иқтисодиёти”га ўтиш юз берди. Ижтимоий тармоқлар аҳоли бандлигини таъминловчи етакчи соҳаларга айланиб, саноат эса иккинчи ўринга туша бошлади.

Эндиликда, жамият ривожидида асосий аҳамиятни маданиятнинг илм-фан, техника, оммавий ахборот воситалари (массмедиа), видео- ва аудио коммуникациялари, шунингдек санъат каби ташкил этувчилари касб этиб боради. Гарчи санъат асари олди-сотди муносабатларининг объекти сифатида қаралиши, унга талабнинг мавжуд бўлиши ва у бошқа асарлар билан рақобат қила олиши мумкин экан, бизнинг ҳаётимизга санъат асарларининг бозори кириб келади. Яъни, ижтимоий-маданий соҳада ўзига ҳос амал қилиш қоидалари, жозибаси ва истиқболига эга бўлган санъатнинг янгича бозори, замон тилида айтганда, арт-бозорлари вужудга келади.

“Арт-бозори бу – санъат асарларига талаб ва таклифни шакллантирувчи ўзаро иқтисодий ва маданий муносабатлар тизимигина эмас, балки, уларнинг эстетик, маънавий ва маданий қадрини пайдо қилувчи майдон ҳамдир. Яъни, у жамиятнинг бадиий ва маданий ҳаётига кучли таъсир этувчи мураккаб ва кўпқиррали ижтимоий-маданий ҳодиса”².

Арт-бозорларининг вужудга келиши натижасида бадиий маданият майдонида амал қилувчи бошқарув ва тадбиркорлик фаолиятига янгича ёндашувни олға сурувчи, соҳага инновацион янгилликларни олиб кирувчи бир қатор ташкилотлар вужудга келди. Натижада, санъат бозоридаги истеъмолчининг ўзи санъаткорга/ижодкорга/ўз касбининг моҳир устасига ва

² Аксютик Н.И., Макарова Е.А. Арт-менеджмент как вид управленческой деятельности в сфере искусства и культуры. Москва, 2008. -86 б.

шу билан у томонидан яратиладига асарларга мавжуд бўлишнинг конкрет шартларини белгилаб, ўз ҳукмини ўтказа бошлади. Оламдаги ҳақиқийлик, асл борлик ва унинг санъатдаги ифодаси кадрсиз, омма томонидан қабул қилинмайдиган ва ҳатто беъмани саналадиган бўлиб қолди. Ва “оммавий маданият” борган сари инсон фаолиятининг бетакрор намуналари сифатида доим кадриятларнинг энг йирик захираси, тажрибалар хазинаси бўлиб, инсоният орасида коммуникатив тизимни ҳосил қилувчи асл маданият ва ҳақиқий санъатни “урфдан” сиқиб чиқара бошлади.

Жуда катта муваффақиятга эришадиган нарса бугунда бу – GLAMOURлик. Бу хорижий сўз ўзига ҳос жозоба, ялтироқлик, жило, дабдаба, ёрқинлик, кўзга ташланувчанлик, ранг-баранглик ва шу каби тушунчаларни англатади. Айнан шу сифатлар турли кучлар таъсирида жадаллик билан ривож топаётган ҳозирги шоу-бизнес олами ҳамда у таянган санъатнинг ижрочилик жанрлари (музыка, кино, цирк, театр ва б.)да оммабоплик даражасини белгилаб бермоқда. Ачинарли ҳақиқат шуни кўрсатмоқдаки, бадиий асарлар тобора нусха олиб, кўпайтириш, оммага ёйиш ва сотиш керак бўлган оддий бир “товар”ларга, улар ичида нисбатан муҳимроқлари эса брендларга айланмоқда.

Булар эса ўз навбатида ушбу санъат бозорлари инсонларни гўзаллик ва нафосат олами билан боғлаш, халқнинг бой маданий меъросини қайта тиклаш, асрлар мобайнида шаклланган юксак маънавиятни, халқ анъаналари ва урф-одатларини ҳар томонлама ривожлантириш, жисмонан соғлом, маънавий жиҳатдан бой ва уйғун камол топган шахсларни вояга етказишга хизмат қилиш ўрнига, халқ дунёқараши, маънавият даражаси, тафаккури, диди ва танловини бутунлай бошқа томонга оғдириб, уни бадиий етук ва гўзал асардан узоқлаштириши, бутун маданият генезисига, жумладан, биринчи навбатда – бадиий маданиятга салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини кўрсатди. Нохушликларнинг олдини олиш мақсадида санъаткорлар ва арт-бозорларининг маҳсулотлари пайдо бўладиган

“ўчоқлар” – продюсерлик марказлари, мусиқа ёзиш ва тасвирга олиш студияларини таҳлил қилиш, уларнинг фаолиятини ўрганиш ва тўғри йўналтириш борасида чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш долзарб масалага айланмоқда.

Ижодкорлар санъат орқали кишилар онгига таъсир этиб, жамият мафкурасини ўзгартиришдек кучга эга экан, продюсерлик марказлари уларнинг кўлидаги “курол”, яъни санъатдан ўринли фойдаланилаётганлигига, амалга ошираётган лойиҳаларининг ғояси пухта танланиб, ижобий мақсадларга қаратилганлигига айниқса катта эътибор беришлари керак. Продюсерлик марказлари борасида гап юритишдан олдин, продюсерлик фаолиятининг моҳияти, фаолият марказидаги бош звено – продюсер шахсининг ўзига тўхталиб ўтамиз. Зеро, продюсерлик атамаси ва касбнинг туб моҳияти билан боғлиқ бугунги кунгача мавжуд турли изоҳлар, фикр-мулоҳазаларнинг турли-туманлиги, уларнинг илмий асосга эга эмаслиги кўпгина бир бирига қарама-қарши, хато тасаввурлар пайдо бўлишига олиб келмоқда. Кимдир уларни “шоу-бизнес акулалари” деб атайдди, кимдир унутилган ва танг аҳволдаги маданиятга янги ҳаёт бера олувчи ягона “нажот” сифатида қарайдди, баъзилар продюсерларни вақтида молиявий муаммоларни бартараф этиб, санъаткорнинг ташкилий муаммоларни ҳал қилиб берувчи “сеҳрли таёқча”га ўхшатса, бошқалар – продюсерлар юқори нафислик ва санъат ривожини учун эмас, балки манфаат ва даромад учунгина пул бериш орқали қўл остидаги санъаткорларини кўғирчоқдек ноғорасига ўйнатувчи даҳшатли ва қудратли манипуляторлар деб таърифлайди. Бундан кўринадики, кўпчиликнинг бу касб вакиллари борасидаги тасаввурлари ҳисётга бой бўлсада, аниқ мантиқ ва маънога эга эмас. Шунингдек, продюсерни менеджер, маъмур (администратор) ёки имижмейкерлар билан адаштиришади. Аслида эса, продюсерлик иши ўта аниқ белгиланган инсоний фазилят ва касбий малакани талаб этади. Келинг, унинг луғавий

таърифларини кўриб чиқамиз. “Продюсерлик маҳорати асослари” дарслигида келтирилишича:

“Продюсер – (инглиз тилидан – producer – ишлаб чиқарувчи, яратувчи) – лойиҳани яралишида бевосита иштирок этиб, уни амалга ошириш сиёсатини бошқарувчи, вужудга келадиган молиявий, ташкилий-маъмурий, ҳуқуқий ва ижодий жараёнларни тартибга солувчи мутахассис”³.

Яна бир таърифга кўра, продюсер – фаолиятнинг молиявий, маъмурий, технологик ёки ҳуқуқий соҳаларини тартибга солувчи (ёки тартиблашга кўмаклашувчи), шунингдек, бирор лойиҳани бажаришдаги сиёсатни юргизувчи мутахассисдир.

Продюсерлик фаолияти режиссура, маданий тадбирларни ташкил этиш маҳорати, актёрлик маҳорати, рақс санъати, санъат тарихи, санъатшунослик, маданиятшунослик, маънавият, ҳуқуқ қаби соҳалар билан узвий боғлиқ бўлсада, энг муҳими иқтисодий соҳани билишни, молиявий жараёнларни яхши назорат қила олишни, бухгалтерлик ҳисобини олиб бориш билан бирга смета тузишни билишни тақозо этади. Чунки продюсер энг аввало, лойиҳани амалга оширувчи бутун бир жамоанинг етакчисидир. Унинг асосий вазифаларидан бири – фаолиятни молиялаштириш ёки бошқача қилиб айтанда, ўзаро фойдали шароитларда маблағ жалб қилиш, жалб қилинган маблағни қоплаш ва ташкилий ишларга сарф қилинган маблағлар ўрнини тўлдириш йўллари топиш, лойиҳа иштирокчиларини, ижодий гуруҳ аъзолари ҳамда таклиф этилганларни маблағ билан таъминлаш саналади.

Продюсер санъатнинг қайси турида фаолият олиб бормасин, у санъатнинг шу турини чуқур таҳлил қила оладиган мутахассис бўлиши лозим. Шу билан бир қаторда маркетингни, молиявий ҳисоб-китобни билиши, бажара олиши лозим. Бундан ташқари у:

- реклама бозори қонуниятлари ва технологиясини;

³ Сайфуллаев Б.С., Рустамов В.Қ., Продюсерлик маҳорати асослари, – Т., “Фан ва технология” нашриёти, 2015., –Б.18

- видеоқурилмаларни, янги техник воситаларни, суръатга олиш технологияси ва услубларини;
- мукаммал сценарий яратишни;
- жамоадаги инсонлар қалбига йўл топиб, умумий “ғояга” барчани қизиқтира олиш;
- ғоявий фикр қила олиб, ахборотларни ғоявий кетма-кетликда йиға олиш;
- томошабиннинг истак, хоҳишини, қизиқишларини тушуниб етиши;
- матн билан ишлай олиши ва оммабоп, хатосиз ёза олиши;
- ўз ишини, ғоясини эффе́ктив намойиш қила олиб, сота олиш;
- жамоа билан ишлай олиш;
- молиявий ишларни бажара олиши;
- ташкилий ҳуқуқий ишларни тушуна олиш;
- ижодий-бошқарувни юрита олиши лозим.

Продюсерларни сахна ва сахналаштириш санъатининг турли шакллари: театр, мюзикл, кино, телевидение, радио, шоу-бизнес, концерт фаолияти билан боғлиқ ҳолларда тилга олишади. Шунга кўра продюсерлар

1. Театр продюсери.
2. Мусиқа продюсери.
3. Кино продюсери.
4. Телевизион продюсер.
5. Ўйин продюсери (компьютер ўйинлари санъатида) каби турларга бўлинади.

Юқорида қайд этилганларнинг соҳа фаолиятида ўз спецификаси мавжудлигига қарамай, лавозимлар номи ҳамда уларга бириктирилган касбий вазифа ва ваколатлар деярли бир хил. Шундай бўлсада, келинг уларни бирма-бир кўриб чиқамиз.

Театр продюсерлиги. Театр санъати узоқ йиллик ривожланиш тарихига эга бўлиб, жаҳон театрларида ҳам, бизнинг сахналаримизда ҳам

кўплаб машҳур актёр ва режиссёрлар ижодий фаолият олиб бормоқдалар. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида режиссёр касби пайдо бўлганидан бери, у театрда асосий бадиий ғояни аниқловчи, бадиий образни яратувчи звено бўлиб келган эди. Лекин, бугунги кунга келиб, театрда продюсерга бўлган талаб яққол сезила бошлади. Зеро, ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида, рақобатбардош театрни яратиш, уни “сота олиш”, жозибали рекламасини амалга ошириб, оммалаштира олиш замон талабига айланиб бормоқда. Айнан продюсер пьесани танлаш, режиссёр ва актёрларни таклиф этиш ва улар иштирокида муваффақиятли лойиҳани амалга ошириш учун катта маблағни жалб қилишни ўз бўйнига олади.

Продюсер касби вужудга келгунга қадар, санъатда продюсернинг айрим вазифаларини бажариб келган соҳа вакиллари мавжуд бўлган. Масалан,

- Антрепренёр – театр санъати соҳасидаги ишбилармон бўлиб, у бир маротабалик шахсий театр лойиҳаси билан шуғулланган;
- Импресарио – (итал. *impresario* сўзидан — ташкилотчи, тадбиркор) унинг вазифаси тайёр маҳсулотни сотиш бўлиб, ижарага жой топиш, чипталарни чоп этиш ва уларни тарқатишдан иборат бўлган.

Бугунга келиб эса, кўпгина жаҳоннинг машҳур театрларида продюсерлар етакчилик қилиб, театр санъати ривожига катта ҳисса қўшиб келмоқдалар. Театр режиссёрлари билан бир қаторда улар театр репертуарида бадиий жиҳатдан мукамал спектакллар жой олишида фаоллик қилиб, театр механизмини ишга туширишга ёрдам бермоқдалар.

Бизнинг Республикамизда театр продюсерлиги касби жуда қийинчилик билан ривожланмоқда. Чунки давлат театрларида продюсер деган штат йўқ ва ҳеч қайси олий ўқув юртида бундай мутахассислар тайёрланмайди. Бу борада биз, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидан ортда қолмоқдамиз. Продюсерларни фақатгина шахсий театр студияларида учратишимиз мумкин.

Продюсерлик касбининг асоси бу томошабинларга керак бўлган лойиҳани топишдир. Ташқаридан қараганда унчалик катта ҳаракат талаб қилмайдиган иш, жиддий тайёргарликни талаб этади. Ҳозирги кунда яхши продюсер, яхши режиссёр каби камёб мутахассисдир. Продюсерлик касби инсоний сифатлар ва билимга таянади. Театр продюсерлиги билан шуғулланувчи шахс театр санъатини тушуниши, режиссура ва актёрлик маҳорати бўйича тажрибага эга бўлиб, соҳа назарияси ва амалиётидаги ўзига ҳос нозик жиҳатларни яхши билиши лозим.

Продюсер спектакль устида ишлашда мақсад ва вазифаларни аниқлаб олгач, ташкилий ва молиявий ишларни бажаришга киришади. Лойиҳанинг ғояси шакллангач, доимий равишда томошабинлар қизиқиши мониторингини олиб бориб, таҳлил қилади. Лойиҳани молиялаштиришда реквизит, декорация, техник аппаратларнинг брак, техник носозлигини олдини олиб, суғурта қилдиради. Лойиҳа жанрини томошабинлар қизиқишига қараб аниқлаганда актёр ва режиссёр шахсининг аҳамияти ҳисобга олади.

Продюсер ҳар бир лойиҳани бошлашдан олдин календарь саҳналаштириш режасини тузади. Бу режада продюсернинг лойиҳа бўйича қиладиган барча ишларни аниқ кўрсатилади. Жумладан, иқтисод, ижод, ҳуқуқ ва менежмент жараёнлари ифода этилади.

Театр продюсери, саҳналаштирувчи режиссёрнинг қуйидаги вазифаларини билиши мақсадга мувофиқ саналади:

1. Режиссёрлик ишининг биринчи поғонаси, яъни умумий ғояни топиб пьесанинг саҳнавий вариантини яратиш (кўпинча драматург билан ҳамкорликда).

2. Бадиий гуруҳни ташкил этиб, рассом-сценографни, костюмлар бўйича рассомни, бастакорни, балетмейстерни (керак бўлса режиссёр ассистентини, чироқ рассомини, саҳна ҳаракати саҳналаштирувчисини, кўшиқлар муаллифи ва х.к.) топиб, уларнинг билими, малакаси ва касб маҳоратларини инобатга олган ҳолда фаолиятга тўғри йўналтира олиш;

3. Ишнинг умумий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, тайёрланган эскизлар бўйича, режиссёрнинг иштирокида спектаклнинг молиявий сметасини тузиш;

4. Техник, ташкилий масалаларни ҳал этиб, қулай ижодий шароит ҳосил қилиш;

5. Саҳналаштирувчи гуруҳ аъзолари (декорациялар макетини ва костюмлар эскизини яратувчи-рассомларни, спектаклни муסיқий безовчи композиторларни, спектаклнинг пластик партитурасини яратувчи мутахассисларни) фаолиятини назорат қилиш;

6. Компонентларни бир бутун, яхлитликка йиғиш, ижодий гуруҳ иш фаолиятининг ҳар бир босқичини кузатиб бориб, мувофиқлаштириш;

7. Паралел равишда спектаклни тайёрлашдаги асосий қисм-репетицияни самарали ташкил этиш ва бошқалар.

Мустақилликдан сўнг Республикада бир қанча шахсий театр студиялари ташкил этилди. Бу студияларни продюсерлар бошқариб, муваффақият билан ижод қилмоқдалар. Айниқса “Кўнгилли ҳордиқ” номли катта кўғирчоқлар театр студиясининг ташкилотчиси продюсер Музаффар Ортиқовнинг олиб бораётган иш фаолиятини мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. Қисқа муддат ичида бу театр студия ижодий гуруҳи томонидан ўнтадан ортиқ болалар учун мўлжалланган спектакллар саҳналаштирилди. Бу театр Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб бу жанрда иш фаолиятини бошлагани аҳамиятга моликдир. Мураккаб технологияда бажариладиган кўғирчоқлар, декорация ва реквизитлар продюсернинг шахсий маблағи ҳисобидан амалга оширилади. Оригинал афишалар, ТВ ва радио орқали ҳавола этилган рекламалар, дастурлар, чипталарни тарқатиш, молиявий таъминот Музаффар Ортиқов фаоллигида амалга оширилмоқда. Мана шу саъй-ҳаракатлар натижасида театр студия ўзининг доимий томошабинига эга бўлди. Мукамал ишлаб чиқилган драматургик материал ва режиссёр меҳнати, ушбу лойиҳани амалга оширишга ёрдам бермоқда. Продюсерга

режиссёрлик соҳасини билишдан ташқари молиявий ҳисоб-китобни билиши фойда келтирди. Зеро, продюсер пул ҳаражат қилганидан сўнг, бу ҳаражатни оқлаб, фойда кўриши лозим. Бунинг учун лойиҳани амалга оширишдан олдин молиявий сметада барча майда ҳаражатларни ҳам ҳисобга олиши лозим бўлади.

Муסיқа продюсери. Муסיқа продюсери (ингл.music producer) овоз ёзиш жараёнида ижрочиларнинг шахси, имижи, муסיқий стилига жавобгар мутахассис саналади. Шунингдек, у муסיқий маҳсулот натижасига жавоб берувчи инсондир. Муסיқий материалларни танлашдан тортиб, то ёзиш жараёни унинг зиммасида бўлиб, муסיқанинг сифатли чиқиши, репертуарнинг тўғри танланиши, лойиҳанинг умумий ғояси муваффақиятли бўлишини айнан продюсер фаолияти белгилаб беради. Продюсер овоз муҳандисини, монтажчи, ассистентлари танлаб, студиядаги вақтни белгилаб, қайси муסיқачиларни таклиф этишни ҳал этади. Муаллифларнинг ижодий ғояларини тўлиқ очиб бериш ҳам унинг вазифаси саналади.


Продюсернинг иши студияга келгунча муסיқий материалларни танлашдан бошланади. Ижрочилар билан ишлаш жараёнида, у кўплаб муסיқий материаллар билан танишиб чиқишига тўғри келади. Агар у гуруҳ билан ёки муаллиф-ижрочи билан ишлаётган бўлса, бўлажак албом концепциясини танлашда раҳнамолик қилади.

Лойиҳа ғояси тўлиқ ишлаб чиқилгач, уни амалга оширишга киришилади. Ва энг аввало, яхши студия танланади.

Замонавий студиялар, қоидага кўра, ўзида қуйидагиларни жамлайди:

- муסיқа ва кўшиқ ижросини ёзиб олиш учун **овоз ёзиш хонаси** (унда микрофон ва ижрочилар жойлашади);
- **назорат хонаси**, унда овозни ёзиш ва унга ишлов берувчи асосий техник воситалар (микшер пульталари, назорат агрегатлари, ишчи компьютер станцияси ва бошқалар) ўрнатилиб, овоз режиссёри ва продюсернинг иш жойи яратилади;

- **техник-аппаратура хонаси**, унда баъзи бир техник воситалар, яъни кучайтиргичлар жамланмаси ва бошқалар жойлаштирилади.



Студия танлангач, асарни оркестрлаштириш жараёни бошланади. Бу билан аранжировкачи шуғулланиб, у продюсернинг энг асосий ёрдамчиларидан бири ҳисобланади. Айнан аранжировкачи продюсернинг таклифига қараб оркестрлаштиришни ёзади. Бу иш кўплаб товуш модуллари, семплерлар, барабан товушлари ёрдамида ҳамда товуш кенгликларининг ревербераторлари (сунъий, махсус, акустик эффектлар), вақтинчалик, динамик ва психоакустик қурилмалар ёрдамида амалга оширилади.

Рок-гуруҳлар студияни узоқ вақтга, масалан бир ойга ижарага оладилар. Ушбу муддатда студия фақат улар учун ишлайди. Олдинига барабанлар созланиб, сўнг микрофонлар ўрнатилади. Микшер хонасида пулт созланиб, анжомлар тўғриланади. Гуруҳлар билан репетициялар ўтказилади. Барча ёзилган мусиқалар продюсер томонидан таҳлил қилинади. Яхши студияга кўп маблағ сарф қилиб сифатли маҳсулот ола олмаслик мумкин, лекин профессионал продюсер билан ҳамкорликда иш кўрилса, кам ҳарж қилиб ажойиб маҳсулот олиш мумкин.

Мусиқа продюсерлиги – қийин, кўп даражали жараён бўлиб, продюсердан ижодий-бошқарув шахс сифатида катта куч, вақт ва асабни талаб қилади. У мусиқа ёзиш жараёни устидан назорат олиб бориш билан

бирга яна кўпгина функцияларни амалга оширади. Энг аввало, ижрочи услубини танлаш, у учун ёрқин имиж ҳосил қилиш, репертуарини белгилаш, альбомлар ёзиш, муסיқий видеоклиплар суръатга олиш, уларни телеканалларда айлантириш, комплекс саунд-продакшн дастурини амалга ошириш, артист иштирокида турли лойиҳалар ишлаб чиқиш, теле-, радиоканалларда чиқишлар, учрашувларни ташкил этиш, артистни интернет тармоғида оммалаштириш (шахсий блогини яратиш, муסיқий треклари, видеоклип ва фотоматериалларини янгилаб бориш, етакчи муסיқа ва янгилик порталларида юлдуз фаолияти ҳақида маълумотлар бериб бориш ва х.зо), концерт ва гастроль сафарларини ташкил этиш шулар жумласидан.

Ўйинлар продюсери. XXI асрга келиб, янги техник-технологик имкониятлар равнақи кўнгил очиш соҳасига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади ва унинг негизида яратилган компьютер ўйинларини ишлаб чиқариш кенг оммалашиб, тез орада катта муваффақиятга эришди. Жаҳоннинг кўплаб шаҳарларида интернет кафеларининг, компьютер хоналарининг очилиши компьютер саноатини оммалашувига туртки бўлди. Техник ва дастурий ривожланишлар ўйин продюсери касбини вужудга келтирди. Интернет тармоғи базасида турли ёш, жинс вакиллари, минглаб дид ва қизиқишларга мос турли виртуал ўйинлар пайдо бўла бошлади. Дастлаб, ўйинлар ёзилган дискларни яратиш бу саноатга катта маблағ келтирарди. Ҳозирги кунда интернет орқали ўйналадиган тармоқ ўйинлари минглаб ишқибозларни бирлаштириб, лойиҳа муаллифларига миллиардлаб даромад келтирмоқда.

Бу соҳа айниқса АҚШ ва Европада жуда ҳам ривожланган бўлиб, бизнинг Республикада энди ривожланмоқда.

Компьютер ўйинлари интеллектуал онгни ривожлантирувчи, жангари, детектив, спорт мавзусидаги, хордиқ улашувчи ва кўнгил очар ўйинларга бўлинади. Ўйинлар катта ёшдаги инсонлар ва болалар учун мўлжалланган бўлади.

Келинг, бу фаолиятда шахсан продюсернинг ролини кўриб чиқамиз.

Продюсер инсонларнинг қизиқишларини ўрганиб, қайси ўйин оммалашаётганидан келиб чиққан ҳолда, ўзига ҳос янги ўйин лойиҳасини ишлаб чиқади. Ҳар бир ўйинни яратиш учун молиявий смета тузиб, кетадиган харажатни аниқ кўрсатиб, прескурант тузади. Табиийки, харажатдан кўриладиган фойдани чамалайди.

Кейинги босқичда, у мазкур ўйинни яратиш учун малакали компьютер дастурловчиларини излаб топиб, ўз ғоясига қизиқтира олиши талаб этилади. Зеро, у албатта сценарист, программист, компьютер графикаси мутахассиси ва рассомнинг хизматидан фойдаланади. Махсулот тайёр бўлгач, уни дискларга ёзиб, кўпайтириш, интернетда сайт очиш, реклама қилиш ва ҳ.к. ишларни амалга оширади.

Продюсер яратиладиган ўйинларда ғоя ва мақсад бўлишини таъминлаб, назорат қилишга масъул саналади. Шундай экан, айнан у ўйинли-ўқув дастурлари жойлаштирилган дискларни ҳам яратиб, болаларни турли фанларни эгаллашларига ёрдам бериши мақсадга мувофиқ саналади. Чунки, чет тилларини ўрганаётганлар учун ажойиб қўлланма дисклар сотувга чиқариш ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий наф келтиради.

Ҳозирги техник имкониятлар мавжудлиги, компьютер графикаси тасвирларининг жозибадорлиги, турли саунд эффектларнинг қўлланиши ўйинчининг ҳам аудиал, ҳам визуал хотирасига осонликча таъсир этиб, самарали натижаларни бера олади.

Кино продюсери. Продюсер сўзи – кинода, кинокомпаниянинг ишончли шахси, фильмни суръатга олиш жараёнида ғоявий-бадий ва ташкилий-молиявий назоратчи деган маънони билдиради. Шу билан бир қаторда у актёрларни ва техник ходимларни танлашда ҳам фаол иштирок этади. Режиссёр, актёр, сценарийчи ҳам продюсерлик қилиши мумкин.

Авваламбор у, томошабин экранда нимани, қандай фильмни кўрмоқчи эканлигини ва фильмни қанча томошабин (тахминан) кўрмоқчи эканлигини

ҳисоб-китоб қила олиши лозим. Шундан сўнг продюсер, маълум жанрдаги фильмни суръатга тушира оладиган режиссёрни ва сценаристни танлайди. Сценарий яратиш жараёнида драматургнинг ишини йўналтириб боради. Сценарий тугатилгач, продюсер молиявий таъминот билан шуғулланади. У бу масала бўйича давлат ва нодавлат корхоналарига мурожаат қилади. Яхши фильмни молиялаштиришда қатнашиш – бу реклама компаниясининг бошланиши демакдир. Ҳомийлик қилган фирманинг номи титрларда ёзилиши ёки кадрда кўрсатилиши мумкин. Бундан ташқари продюсер актёрларни, тасвирга олувчи гуруҳни, рассомни ва композиторни танлашда фаол иштирок этади. Лекин унинг асосий вазифаси – бу реклама ва фильм прокатидир. Фильм тайёр бўлгач, уни оммалаштириш жараёни бошланади. Бу жараён учта йўналишда продюсер томонидан олиб борилади: уни кинотеатрлар, телекомпаниялар раҳбарларига ва DVD дисклар ишлаб чиқарувчиларига таклиф қилади.

Лекин, биринчи навбатда фильм кинотеатрларда намойиш этилади. Продюсер тажрибали бизнесмен сифатида прокатнинг қандай бўлишини, нечта кинотеатрда намойиш этилишини ва нечта томошабин томоша қилишини ҳисоб-китоб қилиши лозим. Фильм кинотеатр экранига чиққунча, реклама қилинади. Оммавий ахборот воситаларида фильм ҳақида мақолалар чоп этилади. Агар фильм премераси кинофестивалда амалга оширилса, фильмга бағишланган презентация ва пресс-конференциялар уюштирилади. Бу тадбирларда албатта кино танқидчилари иштирок этадилар. Уларнинг фикрларига кўп нарса боғлиқ. Фильмни молиялаштиришда кўплаб телевизион компаниялар иштирок этиб, фильмни намойиш этиш ҳуқуқини сотиб оладилар. Лекин, фильм кинотеатрларда намойиш этилганда сўнгина ТВда намойиш этилади. Шу билан бир қаторда фильм DVD дискларда кўп нусхада кўпайтирилади.

Фильм продюсери сценарийнинг саҳналаштириш лойиҳасини ишлаб чиқади. Бу лойиҳада сценарийнинг саҳналаштириш лойиҳасининг тахминий

нарх-навоси кўрсатилади. Сценарийнинг техник варианты ишлаб чиқилади. Суръатга олиш жараёнида нечта камера, ёритиш асбоб ускуналари, декорация, реквизитлар, костюмлар, нечта суръатга олиш майдонлари, техник анжомлар, пиротехника ва ҳ.к.лар кўрсатилади.

Продюсер молиявий сметада суръатга олиш жараёнида сарф қилинадиган барча харажатлар, ижодий жамоанинг иш ҳақи барчасини кўрсатади. Лойиҳани тўғри танлаган, тўғри ижодий фаолият юритган продюсер кассабоп фильмларни тайёрлайди⁴.

Телевидение продюсери. Телевидение фаолиятида ҳам продюсерлар мавжуд бўлиб, улар телевидениенинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, телетомошабинларнинг кенг аудиториясига мўлжалланган хордиқ улашиш, интеллектуал онгни ошириш ва қизиқишларни қондириш учун илмий-оммабоп кўрсатувлар яратиш билан шуғулланадилар.

Продюсерларнинг телевидениедаги фаолияти телевидение намоиш этиладиган лойиҳаларнинг (кўрсатувларнинг) томошавийлигини орттириб, оммалаштириб, сифатини янада яхшилайти. Улар туфайли янги, замонавий техник қурилмалар, таъсирчан воситалардан фойдаланиш имконияти пайдо бўлади. Кино ва телелойиҳани амалга оширишда албатта календарь-сахналаштириш режаси тузилади ва унда кунма-кун қилинадиган ишлар соатма-соат кўрсатилади.

Продюсер телелойиҳани амалга оширишда актёрларни танлаш учун кастинг уюштиради. Бу танлов лойиҳани амалга оширишдаги энг муҳим ишлардан бири ҳисобланади.

Суръатга олиш жараёнида студия павилионларини, студиядан ташқари майдонларда олиб бориладиган ишларни ташкил этади. Бу ишларни амалга оширишда рассом-безакчи билан фаол иш олиб боради.

Суръатга олинган материалларни монтаж қилишда иштирок этиш продюсерининг асосий вазифасидир. Кино ва телевидениеда монтаж муҳим

⁴ Кокарев И. Е. Кино как бизнес. М., 1999. –С. 28.

бўлиб, у олинган материални ғоя бўйича композицион улашни назарда тутлади. Монтаж жараёнида қилинадиган ишлар, яъни овоз бериш ва муסיкаларни жой-жойига қўйиш, ранг коррекцияси, компьютер графикаси, махсус эффектлар лойиҳанинг образли ечимини топишга ёрдам беради. Шунинг учун, продюсер монтаж билан боғлиқ барча босқичларни молиявий сметага киритган бўлиб, жараёндаги барча ҳаражатларни режага мувофиқ сарфланишини шахсан назорат қилиб бориши талаб этилади.

Продюсер санъатининг қайси йўналишида иш олиб бормасин, шу йўналишни назарий ва амалий яхши билиши, уни чуқур таҳлил қила олиши лозим. Режиссурани, муסיка назариясини, сахна техникаси ва суръатга олиш технологиясини билмай туриб иш олиб бориш мумкин эмас. Бу касб жуда катта меҳнат талаб қиладиган, жуда ҳам мураккаб соҳа ҳисобланади.

Ҳақиқий продюсер менеджер, антрепренёр, импресарио ва соҳанинг бошқа раҳбарларидан шуниси билан ажралиб турадики, у ғоя яратади, шундан кейингина уни амалга ошириш учун қўл остига маблағ, ижодий гуруҳ ва одамларни тўплай бошлайди. Албатта бунда продюсер менеджер бўлмаслиги мумкин эмас. У унинг ғояси қанчалик иш бериши, қай даражада талабгир бўлиши ва фойда келтира олишини яхши тафаккур қила олиши керак, бу эса иқтисодий кўрсаткичларда фикр юрита олиш маҳоратини тақозо этади.

Бироқ, энг аввало продюсерда ижодий ёндашув яхши шаклланган бўлиши талаб этилади. Йўқса у бадий ғоясидаги янгилигини таъсирчан етказиб беролмай, оммани ҳайратлантиролмайди. Продюсер албатта юқори дидга эга бўлиши, ижодий жараёнларнинг нозикликларини тушуниши ва инсонлар психологияси сирларини мохирона эгаллаган бўлиши керак. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, продюсер учун психолог бўлишнинг аҳамияти жуда катта. Бу фазилат нафақат инсон дунёқараши, савияси ва фалсафасини инобатга олган ҳолда лойиҳа омма томонидан қандай қабул қилиниши ва муваффақият келтириш даражасини олдиндан башорат қила

олиш, лойиҳада иштирок этувчи ҳар бир лавозим учун қобилиятли ва муносиб ходимни бириктириш, балки, энг муҳими лойиҳага капитал жалб қила олиш “ўйини” да ҳам катта ёрдам беради. Кўпчиликда продюсерлар лойиҳага ўз маблағини тикади деган хато тасаввур бор. Аксарият ҳолларда унақа эмас. У маблағни меценантлар, ҳомийлар ва кредиторлар билан келишган ҳолда жалб қилади.

Демак, продюсер, энг аввало тадбиркор, муаллиф, янги ғоя ихтирочиси. Ва кейингина – менеджер, ташкилотчи, баъзи ҳолларда ҳам режиссёр, гоҳо импрессарио, ҳатто баъзан бош рол ижрочиси бўлиб келади.

Продюсерлик фаолияти тўғрисидаги тушунчалар XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бўсағасида пайдо бўлди. Бу даврга келиб, бутун дунёда сифат ва миқдорий, инқилобий ҳамда тадрижий янгиланишлар юз бериб, саноатлаштириш, урбанизация, демографик портлаш жараёнлари, оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши, саводли одамларнинг кўпайиши билан боғлиқ ҳолда илмий-технологик тараққиёт жамият ҳаётининг кўпгина қатламларига радикал ўзгаришлар олиб кира бошлади.

Натижада, санъат асарларини ҳам серияли кўпайтириш ва кетма-кет такрор ишлаб чиқариш имкониятлари яратилиб, асарларнинг сони сезиларли даражада ортди. Уларни оммавий истеъмол талабларига мос равишда катта ҳажмларда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Аммо шу билан бирга истеъмолчи онги, дунёқараши, диди ҳам тобора ривожланиб, унда бир ижодкорнинг ўзи тўғридан тўғри тақдим қила олиши мумкин бўлмаган маълум арт-маҳсулотларига эҳтиёж кузатила бошлади. Шундай вазиятда, санъат ва жамоатчилик ўртасидаги муносабатларни тартибга келтирувчи воситачига зарурат туғилди ва ижтимоий-маданий вазият, ижодий ва тадбиркорлик фаолияти тобора ривожланиб борган бир шароитда продюсернинг соҳа профессионали сифатида пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Дастлаб, кинематографияда намоён бўлган бу касб эгаси асар яратилиши жараёнида кўпгина “роллари” ўзи ижро этган: кинокамера ва

плёнкани сотиб олган, ўзи сюжет устида бош қотирган, тасвирга олиш объектларини кидирган, камера ортида туриб, дастагини айлантирган, суръатга олиш жараёнини бошқариб, ташкилий ва молиявий масалаларни ҳам ўзи ҳал қилган. Шунингдек, фильм нухасига эга бўлгач, у киномахсулотнинг соҳиби сифатида қатор бошқа функцияларни бажара олган (фильм намойишини ташкиллаштириш, уни реклама қилиш, механиклик қилиш, касса юритиш ва х.зо).

Кинематография ривожланишининг эрта босқичларида ҳали режиссёр ва драматургдек икки асосий касб моҳияти яхши англамаган эди. Яъни, у даврда режиссер фақат ҳаракатларни тасмага ёзувчи камеранинг қўзғалмас нуқтасини белгилаб берарди, драматургларга эса умуман мурожаат қилинмасди. Сабаби, у пайтда фақатгина қисқа ҳаётий лавҳаларни тасвирловчи хужжатли фильмлар яратилган. Фақатгина 1896 йилга келиб, продюсер кадрдаги ҳаракатларни ташкиллаштириш керак эканини тушуниб етганида, дунёдаги биринчи актёрлар иштирокидаги “Суғорилган сувчи” бадиий фильми суръатга олинди. Ва бу ўз ўрнида кинематограф касбининг шаклланишида муҳим қадам бўлиб хизмат қилди.

Вақт ўтиши билан кино ишлаб чиқариш ва намойишни ташкиллаштириш жараёнларини самаралироқ бошқариш мақсадида продюсер бошқа бир қатор ёрдамчи мутахассисларни – оператор, киномеханик, прокатчи, кассир ва бошқаларни ишга ёллаб бошлади. Шу тариқа продюсерлик аста-секинлик билан ғояларни ишлаб чиқиш, уларни молиялаштириш, ижодий ва ишчи гуруҳни ёллаш ҳамда техник базани ижарага олиш каби қатор ишларини қамраб олувчи мустақил профессионал фаолиятга айланиб борди.

Соҳа тобора ривожланиб борар экан, продюсер кўпроқ даромад олиш йўллари устида бош қотира бошлади, “нимани ва қандай тасвирга олиш керак” саволига янада жиддий ва масъулият билан ёндашиб, сценарий, унинг мавзуси, жанри ва режиссураси масалаларига алоҳида эътибор қарата

бошлади. Кўзланган натижага эришиш учун продюсерлар профессионал театр режиссерлари билан ҳамкорлик қилишга ўтди, бу эса ўз самарасини кечиктирмади. Кейинчалик продюсер зиммасига монтаж жараёнларининг назорати ҳам кўшилди.

Умуман олганда, продюсерлик фаолияти кўпгина касбларнинг синтези ҳисобланади, лекин продюсер ўз ишида энг аввало турли даражадаги ва касбдаги одамлар билан ишлашга таянади. Негаки, продюсер қўл остида ўнлаб ходимлар ишлайди. Уларни бошқариш учун продюсернинг ўзи маълум шахсий ҳислатлар ва касбий кўникмаларга эга бўлиши керак. Ўрни келганида продюсер лойиҳада турли “роллари” ижро этиши, масалан, ғоя муаллифи, тадбиркор, дипломат, баъзан танқидчи, баъзида адвокат ва албатта лидер бўлиши керак. Продюсер қанчалик ишбилармон, омилкор бўлса, лойиҳа шунчалик муваффақиятли чиқади. Ҳақиқий продюсер ўзининг шахсий ҳислатлари, мақсад ва вазифалари, тактикаси (иш услуби) ҳамда стратегияси (продюсер фалсафаси) билан ажралиб туради. У ғояни амалга ошириш жараёнида режалаштириш ва истиқболни белгилаш, мавжуд ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-технологик муаммоларни ҳал этиш билан бирга меҳнат ва вазифалар тақсимотини амалга оширади, ваколат ва масъулият мутаносиблиги назорат қилади, қатъий ва ўзига ҳос интизомни ўрнатган ҳолда ижодий муҳитни сақлаб туради, жамоада фаолият йўналиши ва мақсадининг бирлигини таъминлаш орқали корпоратив руҳни шакллантиради, турли қарорлар қабул қилади ва ҳ.зо. Продюсердан куйидагилар ҳам талаб этилади:

- киришимлилиқ (одамлар билан муносабатларни яхши боғлай олиши);
- ишга масъулиятли ёндашув;
- тадбиркорлик, уддабуронлик;
- креативлик;
- талабчанлик;
- етакчилик;

- юксак ахлоқий меъёрларга амал қилиши;
- хар қандай ҳолатда ҳам ўзини тута билиши;
- касбий чуқур билимдонлик ва маҳорат.

Юқоридагиларга боғлиқ равишда продюсернинг лойиҳа раҳбари сифатидаги вазифалари шаклланади. Шоу-бизнесда бошқарув ишининг муваффақияти кўп ҳолларда айнан продюсернинг шахсий ҳислатлари ва табиатига боғлиқ. Айнан ўшалар продюсерга ўз мақсадларига эришишда, ижодий муҳитни шакллантири, жамоада тартиб-интизомни барқарор сақлашда ас қотади.

Продюсер энг аввало, лойиҳани амалга оширувчи бутун бир жамоанинг ташкилотчисидир. Унинг асосий вазифаси тижорат кўринишидаги арт-маҳсулотини яратиш ва сотиш билан боғлиқ бўлганидан, у молиялаштириш масалаларини қойилмақом даражада олиб боа олиши керак. Жумладан, ўзаро манфаатли шартлар асосида келишувлар тузиб, маблағларни жалб қилиш, уларни самарали тақсимлаш ва даромад келтиришини назорат қилишдан иборат.

Продюсер ўз фаолияти давомида қуйидаги ишларни амалга ошириш зарур саналади:

- лойиҳа концепциясини ишлаб чиқиш, мақсадини белгилаш;
- жараёни ташкил этиш, яъни жамоани йиғиш, вазифа ва мақсадларни аниқлаш, унинг моҳиятини тушунтириш, мақсадни амалга ошириш учун қилинадиган ишларни тақсимлаб олиш ва ҳ.зо;
- лойиҳани амалга ошириш жараёнининг барча босқичларида ишни режа асосида ташкил этиш ҳамда мақсадларга эришишнинг оптимал йўлларини ишлаб чиқиш;
- лойиҳа иштирокчиларини излаш (кастинглар асосида хонанда, маҳоратли мусиқачилар, артистлар ва б. санъаткорларни кашф қилиш);
- артистнинг (актёр, хонанда, мусиқий гуруҳ)нинг масс-медиа имижини яратиш;

-PR-технологияларидан самарали фойдаланиб, артистни танитиш;
-ташкил этилган фаолиятни ҳар томонлама назорат қилиш, жамоада ҳар бир йўналиш бўйича масъулларни танлаш, давлат ва ички тартиб қонун-қоидалар меъёрларга риоя этилишини текшириб бориш.

Буларни муваффақиятли амалга ошириш мақсадида Бош продюсер ўз атрофига соҳанинг малакали мутахассисларини жалб қилган ҳолда продюсерлик марказини ташкил этиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Продюсерлик маркази бу – мукамал аудиовизуал маҳсулотларни ҳамда медиа тимсолларни нолдан яратиш ва оммалаштириш билан шуғулланувчи қонуний асосланган юридик ташкилот бўлиб, бир вақтнинг ўзида кўплаб тажрибали клипмейкерлар, режиссёрлар, актёр ҳамда ёш ва таниқли хонандаларни бирлаштирувчи ижодий тузилмага айтилади. Бу ташкилот катта саҳнага чиқишни истаган барча шахслар учун пулли йўлланмалар берувчи “юлдузлар фабрикаси”ни ўзида ифода этиш билан бирга, турли тадбирлар, концертлар ва байрамларни ташкиллаштирувчи event-агентликлар, овоз ёзувчи лейбллар сифатида ҳам фаолият олиб боради.

Шу ўринда, продюсерлик маркази бизнес-режасини ташкил этувчи бандларни кўриб чиқамиз. Булар:

1. Бизнес тавсифи
2. Продюсерлик марказининг асосий мақсади, вазифалари ва стратегияси
3. Продюсерларнинг маълумотномаси (марказда фаолият юритувчи продюсерларнинг таржимаи-ҳоли, соҳада эришган ютуқлари)
4. Марказнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
5. Хизматлар тавсифи
6. Рақобат ҳолати таҳлили
7. Марказни бошқариш (менеджмент)
8. Молиявий дастур
9. Бошқа ташкилотлар билан алоқалар
10. Ижро ва назорат

Илк продюсерлик марказларининг пайдо бўлиш тарихи XX аср бошларида Голливуд киномарказининг вужудга келиши даврига бориб тақалади. 1920 йилларга келиб, йирик киностудиялар (1911 йилда – «Нестор», 1912 йилда – «Universal Studios» ва «Paramount Pictures»; 1914 йилда – «Biograph» ва «Vitagraph»; 1919 йилда – «United Artists»; 1923 йилда – «Warner Brothers», 1924 йилда – «Metro-Goldwyn-Mayer» ва «Columbia Pictures» ва б.) сонининг кескин ортиши ва киносаноати тизимининг вужудга келиши натижасида Голливуд хашаматли, сеҳрли ва жозибали кино оламининг тимсолига айланиб, бу ерда йилига 800 га яқин кино-фильмлар суръатга олина бошлайди. Оқибатда, нафақат ижодий, балки ташкилий ва молиявий масалаларга ҳам шахсан жавоб берадиган, ва энг мухими, бозор муҳитини яхши таҳлил қила олган ҳолда, киностудияни, режиссёр ёки артистларни “бренд”га айлантира оладиган, улар томонидан яратилган кино маҳсулотларни моҳирона пуллайдиган универсал мутахассисга эҳтиёж пайдо бўлди. Ва кинокомпаниялар ўша даврнинг муваффақиятли продюсерларига мурожаат қила бошлади. Масалан, Ирвинг Талберг, Девид Селзник, Деррил Знаук, Семюел Бронстон каби кинопродюсерлар ўз вазифаларини қойилмақом даражада бажаришарди. Дастлаб, бу продюсерлар юқорида номи келтирилган йирик киностудияларда ёлланиб, фаолият олиб боришган бўлса, кейинчалик ўз лойиҳаларига мустақил бошчилик қилиш ниятида ўз компанияларини, продюсерлик марказларини очишади. Жумладан, Columbia Picturesда маълум вақт ижрочи продюсер бўлиб келган С.Бронстон 1943 йилга келиб, “Samuel Bronston Productions” номли киностудияни ташкил қилади. Ушбу киностудия қайсидир маънода кино саноатидаги илк продюсерлик маркази сифатида ҳам намоён бўлади. Сабаби, бу ерда энг оммабоп ва муваффақиятли кино-лойиҳалар пайдо бўлган. Киностудия раҳбари продюсер бўлганидан, фильм ишлаб чиқаришни самарали ташкил қилиш, олинган картинани кенг аудиторияга тақдим қилишнинг сир-саноатларидан моҳирона фойдаланиб, *“Ва сўнгра ҳеч ким қолмади”* (And

then there were none), “*Қуёш остида сайр*” (A walk in the Sun), “*Джон Пол Джонс*” (John Paul Jones), “*Қироллар қиролли*” (King of Kings), “*Эль Сид*” (El Cid), “*Пекиндаги 55 кун*” (55 Days at Peking), *Рим империясининг қулаши* (The Fall of the Roman Empire), “*Доктор Копеллиус*” (Doctor Coppelius), “*Форт Саган*” (Fort Saganne) каби ўз даврининг энг кассабоп киномахсулотларини яратишга муваффақ бўлди.

Кинонинг келгуси тақдири, унинг кўнгилочар, томошабинбоп ва кассабоп бўлиши, доврўғи дунёга таралиши режиссердан кўра кўпрок продюссернинг хизматига боғлиқ экани мутахассислар томонидан тан олинди. Бу соҳа вакилларига эътибор кучайиб, улар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга урғу берилди.

Кино саноати ривожли билан мусиқий саноат ҳам оёққа тура бошлади. Бу жараён Голливуд билан боғлиқ бўлиб, фильм трейлерлари учун оригинал мусиқа яратувчи мусиқий продакшен компаниялари пайдо бўла бошлади. Маълумки, дастлаб фильмлар овозсиз тасвирга олинар эди. 1927 йилда Warner Brothers киностудияси илк мусиқа жўрлигидаги “Джаз хонандаси” кинокартинани тақдим этгач, кино ва мусиқа саноати тарихида ҳайратланарли ўзгаришларни бошлаб берди. Студияларда кунига 24 соат қизгин иш бошланди. Фильмларда мусиқий эффектларни кўллаш ва ўзига хос композицияларни қўшиш орқали картиналарни бойитиш кенг тус олди. Кинокомпаниялар билан ҳамкорлик қилувчи кўплаб саунд-лейбллар пайдо бўлди. Булардан, 1993 йилда Лос-Анджелесда бастакор ва продюсерлар Джеффри Феймен ва Йоав Горен ҳамкорлигида ташкил этилган «Immediate Music» компаниясини мисол тариқасида келтириш мумкин. У бугунги кунгача 7000дан зиёд кинофильмлар учун ноёб мусиқий композициялар яратиб, фильмлар ёрқин рекламасини таъминлаб келмоқда. Компания томонидан бажарилган энг муваффақиятли ишлар қаторига “Гарри Поттер” (фильмлар серияси), “Ўргимчак одам” (фильмлар серияси), “Кариб денгизи қароқчилари” (фильмлар серияси), “Х-одамлар” (фильмлар серияси), “Да

Винчи коди”, “Аватар”, “Хенкок”, “Матрица” ва бошқа кўплаб фильмлар трекларини, Toyota, Ford, DirecTv, Amstel, Hitachi, Blu-Ray” бредлари рекламаси учун яратилган композицияларни келтириш мумкин. Бугунги кунда ҳам «Immediate Music» энг нуфузли мусикий продюсерлик компанияларидан бири ҳисобланиб, Paramount Pictures, Sony Pictures, Walt Disney Pictures, 20th Century Fox, Warner Brothers, DreamWorks, Universal Pictures, The Weinstein Company ва Lionsgate каби кинокомпаниялар, шунингдек, CBS, NBC, ABC, FOX, HBO ва TNT сингари телевизион каналлар унинг мижозлари саналади.

“Театр соҳасида продюсерлик фаолияти натижалари XIX аср охири, XX аср бошларида намоён бўла бошлади. Сабаби, бу асрга келиб йирик шаҳарларнинг кўпайиши ва саноатнинг ривожланиши шаҳарликлар маданиятини ўзгартириб юборади. Натижада театр санъати турлари қаторида опера ва балет номи билан актёрлардан юқори даражада тайёргарлик кўриш, театрдан эса катта сарф-ҳаражатларни талаб қиладиган катта шаклдаги томошалар яратиш юқори мақомга эга бўлди. Бу давр талаби эди. Чунки, қорни тўқ, усти бут, ташвиши йўқ аслзодалар зериккан пайтида эрмак бўладиган кўнгил очадиган томоша жойлари яратилди.

Зерикканлар эҳтиёжидан келиб чиқиб бадий жихатдан “катта шаклда” ифодаланган театр спектакллари - уч актли, икки антракти – танаффусли томошаларга айлантирилди. Икки марта томошадан танаффусга чиққан зодагонларга театр фойеси ва буфетларида бир-бирлари билан суҳбатлашишлари учун яратилган шароит уларга маъкул бўлди. Томоша-номер яратиш санъати XX асрдан бошлаб эстрада деб атала бошланди.

Шундай қилиб, “катта шаклдаги” томошалар кўрсатадиган театрлар куни билан томоша кутиб зериккан зодагонларни кечаси бир жойга тўплайдиган, ҳамда вақтни ўтказиш учун хуморбости, эрмак ва овунчоқ бўла оладиган марказларга айланди. Бу давр яна “катта шаклда” ифодаланадиган томошалар шаклини ҳам яратди ва уни “концерт” деб атади. Концерт -

театрга рақобат бўла оладиган ҳамда “кичик шаклда”ги томошаларни эстрада санъати даражасига олиб чиққан, ижодкорларни бир жойга тўплайдиган тадбир бўлиб қолди”⁵.

Томоша турларини театр, мусиқа, эстрада ва цирк санъатини бирлаштирган “Варьете”(французча “аралашма”) театри 1720-йилда Парижда ташкил топди. Репертуари кўнгил очар томошалардан иборат бўлгани учун у илк эстрада театрининг кўриниши сифатида шаклланди. Унда аввал бир актли спектакль намойиш қилинган. Спектаклдан сўнг алоҳида кўшиқ, шеър, рақс, мусиқа ижроси, акробат, жанглёр ва фокусчилар ўз номерини кўрсатган. Бундай шаклдаги томоша тури “Варьете” илк бор театр спектакли ва концерт дастурини бирлаштирган томошагоҳ бўлди.

Саҳнада ёлғиз туриш ва ўзи ўйлаган режасини бадиий шаклдаги номер орқали минглаб одамларнинг қалбига сингдириш қудрати фақат эстрада актёрига насиб қила бошлади. Олдиндан режалаштирилган бир неча якка чиқишлар тўплами эса “концерт” деб номлана бошланди. Чунки, томошабиннинг олдига якка чиқиб келадиган ҳар бир артист энди ўз номери билан ўзидан олдин саҳнага чиққан ижрочи учун чапак чалган томошабин эътиборини қозониш учун “курашади”. Бу кураш – томошабинларда “энди бизларни яна нима билан ҳайратга солар экан” деган катта қизиқишни уйғотди.

Эстрада санъати эса ҳар бир томоша турини соф ҳолда, юқори савияда, ўз йўналишининг энг моҳир усталари ижросида, санъат даражасини кўрсатди ва уларни бир концертда жамлай олди. Концерт яна худди шунинг акси бўлган – шеърят, кўшиқ, мусиқа, рақс ва цирк томошаларида “юлдузликка даъвогар”ларнинг заиф томонларини очадиган – пародиялар ҳам кўрсата олади. Шунингдек, улар омухтасидан – аралашиб кетишдан пайдо бўлган оригинал – янги, такрорланмас томошалари ҳам айнан концерт томошаларида намоён бўла бошлади.

⁵ Умаров М. Эстрада ва оммавий томошалар тарихи . Т.: ”Янги аср авлоди”. 2009. –Б. 200.

Эстрадининг санъат тури бўлиб ажралиб чиқишида “мюзик-холл театри” ўзининг катта ҳиссасини қўшди. Мюзик-холл инглизча “муסיқа зали” маъносини англатади ва бугунги концерт зали тушунчасига тенг. Мюзик-холл XVIII асрнинг бошларида Англияда пайдо бўлди. Кейинчалик сахналарда конференсье, куплет, монолог, фельетон, хажвий чиқишлар каби нутқ жанрлари, театр миниатюраси, мелодекломация, имитация, эксцентрика каби эстрадининг бошқа кўплаб жанрлари оммалашиб борди. Тез орада бу кўнгилочар соҳа продюсерлар диққат эътиборини тортиб, даромад келтирувчи энг асосий тармоқлардан бирига айланди.

Замонавий эстрада санъати продюсерининг фаолияти бошқа санъат турлари продюсерининг фаолиятидан фарқ қилса ҳам, лекин молиявий, кадрлар, ижтимоий ва бошқа кўпгина жиҳатлари билан бир-бирига ўхшайди. Эстрадада продюсерлар адабий-бадий материални танлашда композицион яхлитликка, номерларнинг кенг қамровлиги, қўшиқ, рақс, цирк номерлари, муסיқа ижросининг мутаносиблигига катта эътибор қаратиши лозим. Зеро, мавзуга мос номерларни танлай олиш қобилияти томошаниннг муваффақиятини аниқлайди.

Вокал-эстрада билан боғлиқ муסיқий продюсерликнинг ривожини ҳам 1900 йилларга бориб тақалади. Дастлаб, Томас Эдисон томонидан яратилган фонограф муסיқа саноатида янги босқични бошлаб бериб, ноталар ўрнини муסיқий ёзувлар эгаллади. Бирин кетин овоз ёзиш студиялари пайдо бўлиб, улар машҳур санъаткорларнинг муסיқий тўпламларини яратишда ўзаро беллаша бошладилар. Масалан, 1923 йил Буюк Британияда ташкил этилган Parlophone Records овоз ёзиш лейбли ўз фаолияти давомида “The Beatles”, “Queen”, “Blur” каби гуруҳлар билан ишлади. 1952 йилда АҚШнинг Мемфис штатида Sun Records лейбли ўз фаолиятини йўлга қўйиб, Элвис Пресли, Джонни Кеш каби машҳур ижрочиларнинг қўшиқлари ёзилган пластинкаларни чиқара бошлади. Бора-бора бу каби овоз ёзиш студиялари муסיқий продюсерлик марказларига айланиб борди. Студия раҳбарлари

эндиликда нафақат мусиқани ёзиб олиш ва нашр қилиш, балки уни тижорат талабларига мос жозибали яратиш, “қадоқлаш” ва сотиш усуллари борасида бош қотира бошлашди. Санъаткор овозинигина эмас, унинг образини оммага танитиш, турли эстрада лойиҳалари, шоу-томошалари, концерт дастурларини ташкиллаштириш масалаларига эътибор қаратилди. Халқаро шоу-бизнес оламида интеграциялашиш, жаҳон сахналарини эгаллаш мақсадида гастроль сафарларини уюштириш продюсерлик марказлари фаолиятининг ажралмас қисмига айланди. Оқил продюсер ўзи ишлаб чиққан лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш учун нафақат мусиқа тизими мутахассислари, балки иқтисод, маркетинг, PR, дизайн ва бошқа тегишли соҳа вакилларидан иборат жамоани шакллантириш зарурлигини англади.

Зеро, продюсерлик марказларининг муваффақият сирини айнан кўплаб истеъдодли ва ижодий профессионалларни уюшқоқлик асосида бирлаштирувчи бой ижодий муҳитда яширинади. Тизимда фаолият юритувчи ходимлар сони ҳам, бўлимлар сони ҳам қатъий чекланмаган бўлиб, Марказ белгиланган режалар, мақсад ва молиявий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда ўз штатига зарур мутахассисларни жалб қилади. Аммо шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, хизматларнинг кенг кўламини таклиф қилувчи бўлимларнинг кўплиги, рақобат шароитида Марказга маълум устунлик, афзалликни бағишлайди. Кўзда тутилаётган жамоа аъзоларининг сони ва ходимларнинг меҳнат ҳақлари борасидаги маълумотларни продюсерлик марказининг бизнес-режасида ўта аниқ қайд этиш керак бўлади.

Одатда, продюсерлик маркази бир том остида куйидаги бўлимларни бирлаштиради:

-продюсерлик бўлими – лойиҳани яратиш ва амалга тадбиқ этишни назарда тутаяди;

-молия, ҳисоб-китоб бўлими;

-ташкилий-ҳуқуқий бўлим – турли вазиятлардаги ташкилий масалаларни ҳал қилади; муаллифлик ҳуқуқини бошқаради, ижро ва қайта

ишлаш жараёнларидаги ҳуқуқий масалалар билан шуғулланади; гастроль сафарлари, шоу-дастурлар, базм-кечалар, байрам ва бошқа тадбирларни ташкиллаштириш билан шуғулланади;

-ижодий – бошқарув бўлими. У ўз ичига ижодий жараёнларни бошқарувчи ва уларда бевосита қатнашувчи аъзоларни, шунингдек, ижодий студияларни бирлашади.

Масалан, овоз ёзиш студияси – винил ёзувлар, CD -кассеталар, компакт-диск, мини-дисклар, SACD, DVD ва бошқа турли форматларда кўшиқлар ёзади. Тасвирга олиш студиясида эса клиплар, реклама роликларини суръатга олинади.

-PR бўлими – продюсерлик маркази ва унинг “юлдузи” фаолиятини кенг оммага олиб чиқиб, жамоатчилик орасида уларнинг ўзига ҳос, бетакрор, юксак образини яратиш, ҳаётга жорий қилиш, сингдириш ва ўрнини мустаҳкамлаш технологияларини амалга оширади;

-дизайнерлик бўлими – реклама маҳсулотлари, плакат ва банерларни яратиш билан шуғулланади;

Энди продюсерлик маркази ичида ва ташқарисида фаолият юритувчи шахсларни кўриб чиқамиз. Продюсерлик лойиҳасининг барча иштирокчилари ва шериклари блокларга бўлинади ва улар шу соҳага оид молиявий, ташкилий, ҳуқуқий, ижодий бошқарув ҳамда PR масалаларига оид қатор вазифаларни бажаради.

“Продюсерлар блоки

Бош продюсер – кўп ҳолларда ғоя муаллифи ҳамда лойиҳага раҳбари саналиб, барча ижодий, ташкилий, молиявий, маъмурий, технологик, ҳуқуқий жараёнларни назорат қилади. Лойиҳани амалга ошириш сиёсатини ишлаб чиқиб, бюджетини белгилайди.

Ижрочи продюсер – асосан йирик лойиҳаларда иштирок этади. У энг юқори даражадаги жараёнларни бошқаради: маблағлар сарфланишини назорат қилади, ходимлар, ҳамкорлар, мол етказиб берувчилар билан

шартномалар тузади ва хатто баъзан ижодий муаммолар билан шуғулланади. Бироқ, техник деталларга, овоз ёзиш ёки тасвирга олиш масалалари билан боғлиқ кундалик жараёнларга аралашмайди. Шунинг учун у бир вақтнинг ўзида бир нечта лойиҳани олиб бориши мумкин.

Ҳамкор продюсер – бош продюсер билан бирга лойиҳа устидан молиявий, техник ҳамда бадиий назоратни олиб боради. У лойиҳани молиялаштиришда иштирок этиб, пул тикади.

Тармоқ продюсери – аксинча, ижодий жамоанинг ишини самарали ташкил этишда барча катта-кичик масалалар билан шуғулланувчи, ташкилий муаммоларни бартараф этиб боровчи шахс. У, шоуни саҳналаштириш жараёнининг энг қийин босқичлари ва технологик ечимларига жавоб беради, шунингдек, иш жадвалига риоя этилишини назорат қилади.

Функционал продюсер – муайян ижодий ва ташкилий компонентлар учун масъул шахс саналиб, у одатда продюсернинг йўлланмаси ва назорати остида менежментни амалга оширади.

Ассистент-продюсер – асосан функционал продюсер раҳбарлигида фаолият юритади.

Маъмурий продюсер – директорлар кенгашига ҳисобот беради ва лойиҳани амалга ошириш жараёнининг турли босқичларида штатсиз ходимларни ёллайди.

Креатив продюсер – ижодкорлар гуруҳини (саҳналаштирувчи режиссёр, рассом, сценарий муаллифи, оператор, бастакор, хореограф, балетмейстер ва бошқаларни) танлашга масъул бўлиб, лойиҳанинг ижодий қисмига раҳбарлик қилади.

Web продюсер ёки web сайт продюсери – веб-илова ёки веб-сайт яратиш ва ривожлантириш билан боғлиқ жараёнларни бошқаради. У продюсерлик маркази, унинг лойиҳалари ва “юлдузлари” борасидаги ахборотларни тақдим этишнинг энг мақбул ва жозибали шакллари ишлаб чиқади ҳамда сайт рейтингини назорат қилиб туради.

Ахборот-таҳлилий қисм продюсери – оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик олиб бориб, продюсерлик маркази фаолиятини кенг ёритиш билан шуғулланувчи шахс. Унинг вазифаларига телевидение, радио, газета ва журналлар, веб-саҳифаларга продюсерлик маркази, унинг ижодкорлари ва лойиҳалари борасида ҳаққоний маълумотларни тақдим этиш, шунингдек турли шов-шувлар, миш-мишлар ва ёлғон маълумотларни олдини олиш, мавжудларини эса бартараф этиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш киради.

Молиявий блок.

Инвесторлар ва ҳомийлар. Уларга продюсернинг шериклари ва ҳамкорлари киради. Булар лойиҳага пул тиккан оддий ишбилармонлар ёхуд нашриётнинг бош директори ёки радиостанция продюсери бўлиши мумкин. Шартнома шартларига кўра улар лойиҳанинг ижодий қисмига аралаштирилиши ёки бутунлай ҳаммасини продюсер ихтиёрига топширишлари мумкин.

Молиявий директор. У пулни жалб қилишда иштирок этмайди, бироқ молиявий оқимларни режалаштириш ва бошқариш ҳамда ҳисоботларни юритишда масъул шахс ҳисобланади. Молиявий сиёсатни ташкил этиш ва унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашади.

Молиявий менежер вазифасига молиявий ресурсларни бошқариш, самарали тақсимлаш ва мақсадли йўналтирилганлигини назорат қилиб бориш киради. У продюсернинг сарф-харажатларини жиддий қисқартириши мумкин.

Ташкилий-ҳуқуқий блок.

Гуруҳ директори – ижодий таркиб ва продюсерни ўзаро боғлаб турувчи муҳим звено ҳисобланиб, у гуруҳ фаолиятининг барча жараёнларида иштирок этади, гастроль сафарларига гуруҳ билан бирга бориб, турли ташкилий масалаларни ҳал этади, шунингдек, ҳамкор компания вакиллари билан муносабатлар ўрнатади.

Менежер. Гурух иши билан боғлиқ музокаралар олиб боради, муаммони самарали ҳал қилиши учун жараёнларни мувофиқлаштиради.

Ҳуқуқшунос. Лойиҳани яратиш ва амалга оширишда вужудга келадиган ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда бевосита иштирок этади.

Концерт директори. Гурухнинг гастрол сафари ва концерт жадвалини тузади.

Ижодий-бошқарув блоки

Муаллифлар ва ижрочи санъаткорлар гуруҳига бош режиссёр, сахналаштирувчи режиссёр, муҳаррир, балетмейстер, хореограф, бастакор, сахналаштирувчи рассом, либослар рассоми, ёритиш устаси, овоз режиссёри, шоу дастурларини сахналаштирувчилар, кўчма муסיқачилар, стилист, имижмейкерлар ва баъзи бошқа мутахассисларни киритиш мумкин.

Муסיқий нашрлар. Бу бастакор ва кўшиқ матнини ёзувчи шоирларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бошқарувчи ташкилотлар бўлиб, продюсер улар билан танланган муסיқий материалдан фондаланиш бўйича музокаралар олиб боради.

Саундпродюсер студияда кўшиқ ёзиб олишнинг барча босқичларини назорат қилади, кўшиқчилик маҳорати машғулотларини ўтказди. Ва у пировард маҳсулотнинг сифатига масъул мутахассислардан бири ҳисобланади.

Рекорд-лейбл. Ижрочининг албомини ёзиб олиш ва сотувга чиқариш билан шуғулланувчи компания. Рекорд-лейбл муסיқий материалларни нашр этиш ва бозорда сотиш ҳуқуқини ўз қўлида сақлайди ва шунга мос равишда, ҳар қандай ёзув муқовасида ўз лейбл номи (тасвири)ни кўрсатади.

Арт-менеджер – лойиҳанинг ижодий қисмига жавоб берувчи эксперт бўлиб, у санъаткор фаолиятини самарали ташкил этиш билан шуғулланади. Лойиҳа продюсери билан ҳамкорлик олиб борган ҳолда, ижодий жараённинг барча босқичларида иштирок этиб, қилиниши лозим бўлган вазифаларни белгилайди, режалаштиради ва амалга оширилишини назорат қилади.

TV, FM дастур директорлари эфирга бериладиган дастурлар билан шуғулланадилар.

PR блок

PR директор – жамоатчилик фикрини шакллантириш, санъаткор мавқеини яратишга масъул. У PR-технологияларидан фойдаланиб, жамият билан самарали алоқани таъминлайди, продюсер ҳамда у танлаган санъаткорнинг саҳна образини шакллантиради ва асрайди.

Промоутер – “промоушен” (инг. promote – силжитиш, танитиш) билан шуғулланувчи мутахассис. У биринчи навбатда, PR учун чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқади ва оригинал реклама йўллариини излайди, турли ғоялар ва шиорларни ўйлаб топиб, PR-директорига таклиф қилади. Баъзан у аудиторияни жалб қилиш учун ҳақиқатга унча тўғри келмаган маълумотлардан фойдаланиши мумкин, муҳими ахборот эътиборни торта оладиган, ёрқин ва эсда қоларли бўлиши талаб этилади. Ўз лойиҳаларининг муваффақиятли рекламасини амалга ошириш учун баъзи шоу-бизнес вакиллари очиқ жанжаллар уюштиради, никоҳ ёки ажрим мавзуларида ёлғон миш-мишлар тарқатиб, ғайриодатий қилиқлар билан шов-шувларни туғдиради.

Кино ва мусиқа саноатида промоутер янги видео ёки мусиқий маҳсулотни эфирда кўпроқ вақт намойиш этилишига эришиш билан ҳам шуғулланади.

Пресс-атташе – бевосита ОАВ билан ҳамкорлик қилиб, продюсерлик маркази, унинг лойиҳалари, мусиқий гуруҳлар ва индивидуал ижрочилари ҳақида, шунингдек уларнинг шахсий ҳаёти, ижоди, улар иштирок этган фильм ва телевизион дастурлар, спектакль ва мода намойишлари борасида энг янги ва қизиқарли ахборотларни тақдим этиб боради.

Дизайнерлар блокада асосан компьютер графикаси ва Web-дизайн соҳаси мутахассислари фаолият юритади⁶.

⁶ Сайфуллаев Б.С., Рустамов В.Қ. Продюсерлик маҳорати асослари, — Т., 2015. 26-30 б

Демак, хулоса ясаймиз: продюсер бу – маданият ва санъат соҳасининг ишбилармон ва тадбиркор звеноси бўлиб, у даромадли лойиҳаларни ишлаб чиқиш, уларни амалга оширишдаги барча бадий-ғоявий, ташкилий-ҳуқуқий, молиявий масалаларни ҳал этиш ва арт-маҳсулотини бозорга жозибали шаклда олиб чиқиш билан шуғулланади. Унинг асосий мақсади – лойиҳани молиялаштириш учун барқарор ва ишончли манбаалар топиш ҳамда максимал даражада молиявий самарадорликка эришиш.

Продюсерлик маркази бу – ўзига хос “юлдузлар фабрикаси” бўлиб, у янги иқтидорли санъаткорларни кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва оммага танитиш билан шуғулланади. Марказнинг асосий функцияларига шоу-бизнес “юлдузи”ни яратиш, янги-янги лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш орқали унинг нуфузини ошириб бориш киради.

1.2. Шоу-бизнес “юлдузи”ни яратишда продюсер ва продюсерлик марказларининг ўрни

Продюсерлик марказларининг бутун фаолияти шоу бизнес оламида рўй беради. Бу шундай майдонки, унда санъат объекти товар сифатида иштирок этади, уни идрок этувчига эса истеъмолчи деб қаралади.

“Шоу-бизнес – бу кўнгилочар томошалар ва ўйин-кулгу дастурларига асосланган тижорат фаолияти бўлиб, тор маънода уни оммавий аудитория учун мўлжалланган турли мусиқий ва вокал чиқишлар сифатида талкин қилишади. Бироқ, кенг олиб қаралса, шоу-бизнес нафақат мусиқий эстрада, балки ўз функционал мақсадига кўра яқин бўлган кўплаб бошқа соҳалар: кино саноати, театр, оммавий спорт мусобақалари, кўнгилочар теле ва радиодастурлар, гўзаллик танловлари кабиларни ҳам ўз ичига олади”⁷. Бу тушунча 80-йиллардаги илмий-технологик инқилоб даврида томошани ёруғлик, товуш ва бошқа эффектлар билан бойитиш имкониятлари намоён бўла бошлаши билан узвий равишда пайдо бўлиб, тез орада кино, эстрада, мусиқа саноати ва бошқа соҳадаги фаолиятлар кўламини кенг қамраб олди. Эстраданинг шакл ва турлари бозор муҳитига мослашиб, мустаҳкам ва конъюктуравий позицияларни эгаллай бошлади.

Шоу бизнес имижмейкерлик билан бевосита боғлиқ бўлиб, машҳур ижрочи ва санъаткорлар оммавийлигини эксплуатациясига асосланган тадбиркорлик фаолияти саналади. Мазкур фаолиятнинг бош звеноси артистнинг ўзи эмас, унинг имиж ва репертуарини белгиловчи, у иштирок этадиган лойиҳаларни бошдан оёқ назорат қилиб, молиялаштирувчи, зарур техникавий таъминотни амалга оширувчи ҳамда ОАВ билан музокаралар олиб борувчи продюсер ҳисобланади. Ижрочилар эса тадбиркор-продюсерга итоат қилувчи ва кўп ҳолларда, жуда юқори бўлмаган гонорар олувчи ёлланма ишчилар бўлиб ҳисобланади.

⁷ Коновалов А. Маленькие секреты большого шоу-бизнеса, Санкт-Петербург, “Питер”, 2004. – 28 б.

Зеро, яширин истеъдоди бўлган санъаткорларни бозор талаблари ва конун-қоидаларига мос равишда шакллантириб, сайқаллаб, оро берувчи ҳамда уларни “тайёр маҳсулот” кўринишига келтирувчи шахс – айнан продюсер. Продюсерлик марказлари ва шахсан продюсерлар истиқболли лойиҳалар ғоясини танлаш, бизнес-режа тузиш ва ижодий-ташкилий кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқиш, маркетинг стратегиясини аниқлаб, ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш, лойиҳани амалга ошириш учун молиявий таъминотни амалга ошириш, ижодий ва ишчи гуруҳни шакллантириш, саҳналаштириш технологияларини яхши билган ҳолда у билан боғлиқ жараёнларни мохирона бошқариш, жорий ишларни назорат қилиш, ўз “товар”ини жозибали шаклда бозорга олиб чиқиш, уни силжитишни ташкил қилиш, бозорда унинг маҳсулотига берилган баҳо ва шаклланган муносабатни таҳлил қилиш, сотувнинг иккиламчи бозорларини ўрганиб бориш билан шуғулланади.

Шоу-бизнес оламида продюсер марказий, ҳал қилувчи фигура ҳисобланади. Бутун “ишлаб чиқариш” жараёни занжири у билан боғлиқ. Айнан продюсер ижодий ва ташкилий жараёнларда бошдан оёқ иштирок этиб, назоратни амалга оширади. У ҳар қайси соҳадаги энг нозик жиҳат – пулли масалаларни юритиб, лойиҳани молиялаштириш, жалб қилинган маблағларни оқилона тақсимлаш билан шуғулланади. Ижодий ва техник ҳодимлар билан меҳнат муносабатларига киришади, кимни ёллаш ва ишдан озод қилишни мустақил ҳал қилади. Лойиҳа ижросини назорат қилади, бадий маҳсулот яратилиш жараёнининг барча босқичларида зарур ўзгартириш ва тузатишлар киритиб боради. Сифатли арт-маҳсулот яратишдан ташқари, кўп ҳолларда продюсер шахсий менеджер вазифаларини ҳам ўз бўйнига олади (санъаткорнинг карьерасини, баъзан ҳатто шахсий ҳаётини бошқаради). Биргина шахс ўзида тадбиркор, ижодкор, бизнес-менеджер (лойиҳанинг молиявий таъминотини амалга оширади), пресс-

атташе, имижмейкер, хомий, юрист ва дипломат (келишув ва шартномалар тузишда иштирок этади) тимсолларини гавдалантиради.

Продюсер ёки продюсерлик маркази унга мурожаат қилган бирор бир жамоа фаолиятини юзага чиқариш, обрўсини кўтариш, реклама қилиш, омма назарига тақдим этиш, давлат миқёсидаги чиқишларини таъминлаш, жамоатчилик билан алоқаларни мустақкамлаш каби вазифаларни ўз олдига кўяр экан, аввало бу жамоа, гуруҳ ёки хонанданинг имижини ишлаб чиқиши керак бўлади. Яъни, бу “юлдуз”(лар) нимаси билан мухлислар қалбига кириб бориб, мухрланади? Қайси тимсол, сиймода гавдаланади? Нимаси билан бошқалардан ажралиб туради?... Шу каби кўплаб нозик жиҳатларни пухта ўйлаб чиққан ҳолда имижга алоҳида урғу бериш самарали натижаларга олиб келади.

Имиж (инглизча image – сиймо, тимсол, қиёфа тасвир, образ) рейтинг, обрў, машхурлик, жозиба, мафтункорлик, эътибор, нуфуз ва бошқа тушунчалар билан ҳамоҳанг бўлиб, бу категория кўпгина муносабатларда фундаментал тушунча ҳисобланади. Айни пайтда, у шу қадар кенг кўлланилиш майдонига эга бўлдики, баъзан ҳатто имижелогия соҳаси мутахассислари томонидан ҳам бир-бирига зид равишда талқин қилинади ва шу сабабдан батафсил таҳлил қилиб ўрганишни тақазо қилади.

Хорижий сўзлар луғатларидан бирида “имиж” атамасининг шундай шарҳи келтирилган: “Имиж – реклама қилиш, оммалаштириш ниятида бирон кишига ҳиссий ва руҳий таъсир ўтказишга йўналтирилган ҳар қандай шахс, предмет, ходисанинг (оммавий ахборот воситалари, адабиёт ва бошқалар ёрдамида) мақсадли шакллантирилган тимсолидир”.

Унинг яна бир талқини қуйидагича: “Имиж – эътибор жалб қилиш мақсадида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий гуруҳлар ёки шахснинг ўз кучи билан пайдо қилинувчи қиёфа ёки “ёруғлик гардиши”⁸.

⁸ Елена Захаренко и др. “Новый словарь иностранных слов”. Феникс-Ростов. 2006. – 56 б.

Жамоатчилик тан олган муқим ижобий тасаввурни шакллантириш ва сақлаб қолишни ҳам имиж деб талқин қилишади⁹. Аммо, имиж – бу қотиб қолган образ, лахзалик фотография эмас. У давр жихатдан ўзгаради, доимий тақомилашади.

Имиж бу – объектнинг жамият онгида ҳосил қилиниб, муҳрланган шундай образики, у хотирада у билан мустаҳкам боғлиқ фаразни, тасаввурни пайдо қила олади. У инсоннинг энг яхши шахсий ўзига хосликлари ва ишбилармонлик хусусиятларининг намоён бўлишига имкон берадиган катталаштирувчи ойнага ўхшайди. Шахс имиж – ижтимоий фикрга эмоционал –психологик таъсир кўрсатиш ва шахсни оммалаштириш мақсадида унинг атрофида яратилган гулчамбардир.

Махсус адабиётларда “имиж” атамаси бирор шахс ёки предметнинг кишилар онгида шаклланган ҳамда андаза /босма қолип сифатида намоён бўладиган ҳиссий бўялган образи сифатида шарҳланади. Бу каби изоҳ ва шарҳларни яна кўп келтириш мумкин. Умумийлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, имиж – кўзланган натижага эришиш учун шахс, гуруҳ ва/ёки жамият онгида мақсадли шакллантирилган ҳиссий бўялган намунали образ, идеаллаштирилган андаза, идеал тузилма, яъни, у ёки бу объект ҳақида атайин ҳосил қилинган ижобий таассуротдир. Айнан таассурот, баҳо эмас. Имижга маълум психологик маҳсулот сифатида ёндашсак, бу ҳолда у ижтимоий дастур (йўриқнома), тақлид рамзи сифатида намоён бўлади.

Шоу-бизнес юлдузлари имижини шакллантиришда PR устувор йўналиш ҳисобланади. PR – бирор объект ҳақида турли характердаги ахборотларни мақсадли тарқатишни ифода этади. Унинг асосий мақсади – жамоатчилик билан алоқаларни йўлга қўйиш бўлса, бош вазифаси – ахборот ёрдамида омма фикрини бошқаришдир.

Муסיқий гуруҳ ва санъаткорларни шоу-бизнес майдонида силжитишнинг бир неча усуллари мавжуд бўлиб, улар PR технологиялари

⁹ Newsom D, Scott A, Turk J.V. This is PR. The Realities of Public Relations. – Belmont, California, 1993. –Б.37

билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Биринчиси – матбуот билан ишлаш усули ҳисобланиб, у интервью ёки матбуот анжумани шаклида намоён бўлади. Иккинчи ва серқирра усул сифатида альбом тарғиботи йўлида турне ёки концерт ташкил қилишни кўрсатиш мумкин. Ва ниҳоят, учинчи ва энг муҳим усул – махсус каналларда видео клип ёки теле-интервью айланишини ишга тушириш саналади. PRнинг шоу-бизнесдаги яна бир муваффақиятли усулларида бири санъаткор ёки гуруҳнинг номини брендга айлантириш бўлиб, айнан шу фаолият санъаткор билан боғлиқ маҳсулотнинг интизорлик билан кутилиши ва тез сотилишини кафолатлайди.

Даставвал, имиж тушунчаси телевидение ва ОАВнинг ривожиланиши муносабати билан актёр ва эстрада хонандалари “роллар” ва “овозлар”дан “шахс”ларга айланиш жараёнида муҳим аҳамият касб эта бошлади. Ижрочининг эстрада имижини муҳлисларнинг потенциал аудиторияси қарашларига мос келиши, улар томонидан берилган “баҳо”га жавоб бериши муваффақиятни таъминловчи энг муҳим омиллардан эканини тажрибалар исботлади. Имижга бўлган бундай талаб эса янги касбга – имижмейкерликка асос солди. Имиж муаммоси ва уни тадбиқ этиш технологиялари билан замонавий инсоншунослик тармоғи сифатида имижеология соҳаси шуғуллана бошлади. Имижеологиянинг асосий мақсади – қандай қилиб жозибали имиж яратиш мумкинлигини, ҳаётда шахс дуч келадиган вазиятларга қараб муносиб хатти-ҳаракатлар моделини тўғри қуришни илмий асослаб беришдан иборатдир.

Поп ва рок ижрочилар, актёрлар, моделлар, спортчилар ва санъат арбобларининг “юлдузли” имижини малакали мутахассислар: продюсер ва имижмейкерлар томонидан яратилади. Улар “юлдуз”нинг таржимаи-ҳолини қайта ёзадилар, фан-клублар билан ишлайдилар, нуфузли инсонлар, меценантлар ва муҳбирлар эътиборини жалб қилиш учун қачон, қаерда ва қай ҳолатда ўзини кўрсатиш кераклигини ўргатиб турадилар. Шунингдек, улар санъаткор учун “юлдуз”лик стереотипининг энг мақбул ва муносиб

вариантларини излаб топиб, юриш-туриш қонуниятларини белгилаб берадилар. Зеро, доимий фото- ва видеокмералар объектида бўлиш санъаткордан ҳаётдаги турли вазиятларда тегишли хатти-ҳаракатлар ва ташқи кўринишни талаб этади. Имижга лоқайдлик эса, томошабинларни йўқотиш, тижорат муваффақиятидан маҳрум бўлишга олиб келади.

Бозор иқтисодиётининг ривожланиши ўз имижини тўғри ва самарали шакллантиришда манфаатдор бўлган субъектлар сонининг ортишини тақозо қилди. Агар 1960-1970 йилларгача маданият соҳаси вазифаларига асосан, жамиятнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш ва ижодий қобилиятларини ўстириш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш кирган бўлса, бугунги кунга келиб, улар қаторига маълум шахс, жамият, ҳудуд ва пировардида бутун давлатнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини ошириш билан боғлиқ стратегик вазифалар ҳам қўшилди. Маданий соҳа тарихда аҳамиятли бўлган маънавий-ахлоқий кадриятлар, эстетик ечимларнигина эмас, иқтисодий манфаатларни, шунингдек, шон-шухрат, обрў-мартаба каби категорияларни кўзлай бошлади. Менеджерлар фаолиятининг илғор функциялари қаторидан субъект манфаатларини ҳамкорлар, давлат идоралари, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий ташкилотлар манфаати билан уйғунлаштириш, давлат ичида ва хорижда, маҳаллий жойларда ва ҳатто ўз жамоаси кўзида унинг обрўсини мустаҳкамлаш каби вазифалар ўрин олди. Бу босқич сўнгида бренд концепцияси – истеъмолчининг маълум товар белгисига мустаҳкам маънавий-жисмоний боғланиши тўла амал қила бошлади. Шоу-бизнес оламида продюсерлик маркази “юлдузлар фабрикаси” сифатида намоён бўлар экан, у мухлисларни ўз “товар”ларига ўргатиш, уларга нисбатан кенг жамоатчилик онгида эмоционал боғлиқлик ҳосил қилиб, “юлдуз”ларни брендга айлантиришга фаол киришди.

“Юлдуз” атамасининг келиб чиқиши Америка билан боғлиқ. Европада “юлдуз” ва “истеъдод” сўзлари доим ҳам ўзаро мос келавермайди, ва шу сабабли юлдуз аксарият ҳолларда қўштирноққа олинади. Айниқса, актёр

мавқеини эътироф этишда бу сўз деярли ишлатилмайди. Масалан, Англияда сахна усталарини “юлдуз” деб айтишга ҳеч кимнинг тили бормади. Америкада эса аксинча, буюк актёр ва санъаткорларни айнан юлдузга қиёслашади. Жумладан, Голливуд юлдузга айланиш кинода маълум имиж-амплуа яратиб, у орқали томошабин онгида муҳрланиб қолишни англатади (масалан, Чарли Чаплин имж-амплуаси).

Бугунги кунга келиб, юлдузларнинг яратилиши 3 йўл билан содир бўлади. Биринчи вариантда ижрочининг шахсий ташаббуси асосий аҳамият касб этиб, истеъдодли санъаткорлар ўзларининг махорати ва мавқеини ошириш устида мустақил иш олиб борадилар. Яъни, улар клублардаги концертларда, тўй-маросимларда даромад топиб, шахсий маблағлари эвазига муваффақиятли альбом ёздирадилар ва фақат шундан кейингина бирор таниқли компания билан шартнома имзолайдилар. Бошқача қилиб айтганда, бу усулда санъаткорларнинг ўзи продюсерга мурожаат қилиб, унинг миждозига айланишади.

Яна бир вариант – продюсерларнинг потенциал хит ижрочиларини таваккалига қидириб топиш шаклида амалга ошади. Бу усул продюсер клубларда қўшиқ айтиб юрган хонандалар, рекорд компанияларига қўшиқ ёздириш учун мурожат қилган ҳаваскорлар ва фаолиятини энди бошлаётган бошқа санъаткорларни кузатиб, улардан иқтидорлиларини ўз қаноти остига олишни, улар иштирокида янги лойиҳалар ишлаб чиқишни назарда тутаяди. Унда ижрочи ўзига мос продюсерни эмас, аксинча продюсер “юлдуз” роли учун муносиб номзодларни танлайди.

Аммо, асосий ва энг мақбул вариант – аниқ белгиланган лойиҳа учун истеъдодларни излаб топиш мақсадида кўрик танлов ташкил этиш бўлиб, Фарб ва Европа продюсерлик марказлари аксарият ҳолларда айнан кастинг асосида иш олиб борадилар. Бунда, дастлаб лойиҳа ишлаб чиқилади ва сўнг унинг “бош қахрамони” танланади.

Продюсерлик маркази янги “юлдуз”ларни яратиш, иқтидорли ёшларнинг салоҳиятини ошқор қилиш, янги жарангдор исмларни пайдо қилишда ҳолисона манфаатдор. Аммо, ижрочини машҳур қилиш, яъни “юлдуз” даражасига чиқариш – бу ниҳоятда мураккаб жараён саналиб, бир қанча босқичларни ўз ичига олади.

Дастлабки босқичда қуйидаги ишлар бажарилади:

- Лойиҳа концепциясини ишлаб чиқиш;
- Жозибали таҳаллус ёки гуруҳ номини танлаш (агар зарур бўлса);
- Ташқи кўриниш (имиж) устида ишлаш;
- Либослар эскизини яратиш;
- Make-up (пардоз) кўринишларини ишлаб чиқиш;
- Соч турмаklarини ўйлаб чиқиш;
- Портфолио учун профессионал фото ва видео тасвирга олиш ишларини ташкил қилиш;
- ОАВдаги реклама ва тарғибот ишлари учун дастур ишлаб чиқиш (турли афсоналар, миш-мишлар, можаролар ўйлаб топиш ва ҳ.зо)
- видеоклиплар концепциясини ишлаб чиқиш ва урани амалга ошириш.

Сўнг, тўлақонли промоушен ишларини олиб бориш, PR кампаниясини ишлаб чиқиш, ижрочи-санъаткорга индивидуал ёндошиб, унинг ўзига хос, бетакрор образини яратиш, имижини ҳосил қилиш, у учун муваффақиятли лойиҳаларни ўйлаб топиш, альбомларини ёзиш ва уларни кенг оммага тақдим этиш, концерт дастурларини тузиш, гастроль сафарларини уюштириш, унинг иштирокида турли телевизион ва радио дастурларини тақдим этиб, фаолиятини ОАВда мунтазам ёритиб бориш, турли нуфузли фестиваллар ва байрам кечаларида иштирокини таъминлаш каби кўплаб тадбирлар амалга оширилади.

Бу каби масалаларни ҳал этиш учун ўртача бир-бир ярим йил вақт талаб этилади. Бу муддатдан сўнггина, одатда соф даромад келиб туша бошлайди.

1.3. Ўзбекистонда продюсерлик марказларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши

Ўзбекистонда продюсерлик фаолияти кино ва эстрада соҳаларининг ривожига билан боғлиқ ҳолда юзага кела бошлади. Жумладан, 1924 йилда рус-Бухоро ширкати “Бухкино”, 1925 йилда Тошкентда “Шарқ юлдузи” (1936 йилдан “Ўзбекфильм”) кинофабрикасининг ташкил бўлиши ўзбек кино санъати ривожини бошлаб берди. 50-йилларда кино саноати соҳасида ишлайдиган кинорежиссерлар, сценаристларнинг бир гуруҳи ўз фаолият доирасини кенгайтирган ҳолда, миллий экран санъатини такомиллаштириш, нафақат ижодий жараёнларни бошқариш, балки шу қаторда кино майдончадаги барча ташкилий масалаларни мувофиқлаштириш, ижодий ва ташкилий гуруҳни шакллантириш, молиявий ресурсларни жалб қилиш билан ҳам шуғулланишни бошладилар. Масалан, кинорежиссерлардан Йўлдош Аъзамов ўзининг “Мафтунингман” фильмида (1958 йил), Шухрат Аббосов “Маҳаллада дув-дув гап” комедиясини тасвирга олишда (1960 йил), Ёдгор Саъдиев, режиссёр Жаҳонгир Қосимов билан ҳамкорликдаги “Шайтанат” фильмининг саҳналаштириш даврида продюсерлик вазифаларини ҳам бажарган.

Эстрада эса продюсерлик фаолиятига хос вазифаларни асосан бадиий раҳбарлар олиб боришган. Республикада эстрада санъати ривожига тамал тошини Ботир Зокиров қўйган бўлиб, у 1956 йилда Ўзбекистондаги биринчи эстрада гуруҳи – “Ёшлик” ёшлар ансамблини ташкил этишда иштирок этган. 1958-70 йилларда янги ташкил этилган давлат эстрада оркестрига раҳбарлик қилган. 1972 йилда Ботир Зокиров Марказий Осиёда илк ташкил этилган Тошкент мюзик-холлига асос солган ва 1978 йилга қадар унинг ташкилотчиси, яккахони, режиссери ва бадиий раҳбари сифатида фаолият юритган. Мюзикл дастури икки қисмдан иборат эди – “Шарқ бозори” ёки “Шарқ эртаги” ва “Тошкент тўйи”.

Томошани шарқ жилваранг, шовқинли бозорининг жонли манзараси очиб бериб, доиранинг шўх садолари остида жонглёрлар, дорбозлар ва полвонларнинг чиқишлари иштирокидаги тантанали сайллар бўлиб ўтган. “Шарқ бозори” томошаларининг асосини халқнинг сеvimли сатирик жанри – аския ҳосил қилган эди. Миллий хореография элементларига қурилган балет рақслари, ёрқин услубдаги эстрада қўшиқлари ва замонавий руҳдаги сатирик интермедиялар мюзиклнинг бир бутун композициясини ҳосил қилишган. Мюзикл спектаклларининг ўзига хослиги шундан иборат эдики, сахнада “Тўй базмидаги меҳмонлар табриги” рукнида ҳақиқий меҳмонлар, яъни четдан ташриф буюрган хонанда ва эстрада гуруҳлар қўшиқ ижро этишар эди. Мазкур мюзикл-холл чиқишларида миллий эстрада гуруҳларимиздан эса “Ялла” ва “Наво” мунтазам иштирок этишган.

Бир йилдан сўнг, Сатира театридаги москвалик ҳамкасблари Марк Захаров ва Александр Ширвиндт билан ҳамкорликда Ботир Зокиров ўзининг “Денгизчи Симбаднинг саёхати” номли илк мюзиклини сахналаштирди. Гарчанд Ботир Зокиров ўзини продюсер деб эълон қилмаган бўлсада, унинг фаолиятида мазкур касб чизгилари аниқ намоён бўлади.

Истиқлолгача бўлган даврда деярли барча яккахон хонандалар ва ижодий гуруҳлар санъат ва маданият соҳасидаги давлат корхоналари ва бирлашмалари таркибида бўлиб, танилиб боришган. Боиси, соҳа бутунлай давлат қарамоғида бўлиб, киностудиялар ёки мусиқий ташкилотлар хусусийлаштирилишига йўл қўйилмаган.

Мустақилликдан сўнг Ўзбекистонда санъат соҳасида кўплаб ўзгаришлар юз берди. Шоу бизнесимиз кундан-кунга ривож топиб, янги овозлар, чехралар кўпайиб бораётгани санъатнинг кино ва мусиқа йўналишларида бир қатор янги ғоялар, янги лойиҳалар амалга оширилишини тақазо этди. Мазкур йўналишлардаги энг катта янгиллиги сифатида эса шахсий киностудиялар, овоз ёзиш студиялар ва продюсерлик марказлари ташкил этилиши бўлди. Бундан бир неча йил аввал продюсерлик фаолияти

якка тартибда олиб борилган бўлса, кейинчалик компаниялар тузила бошланди. Дастлаб, “Tarona records”, “Muvad Video”, “ProArt”, “Akfa-media” каби продюсерлик марказлари ўз лойиҳалари билан танила бошлаб, сўнг уларнинг сафига “New star media”, “Art Uz Promotion Agency”, “Art Expo Servise”, “ART MODERN MUSIC”, “OHANG MEDIA”, “Mo’jiza MEDIA”, “Intermedia”, “Fox Music & Cinema Records”, “GRANAT PRESS”, “IOSIS”, “LAST MEDIA”, “MUMTOZ UL-ABROR”, “CABARET”, “GGM RECORDS” сингари кўплаб продюсерлик марказлари кўшилди. Уларнинг йўналиши, ташкил этилиш вақти ва фаолият услуби бир-биридан фарқ қилсада, лекин мақсади битта – яъни, томошабинларга сифатли кино ва мусиқа саноати маҳсулотларини тақдим этиш, санъат соҳасида янгилик яратиш саналади.

Келинг, улардан баъзиларига тўхталиб ўтамиз.

“TARONA RECORDS” нафақат Ўзбекистонда балки Ўрта Осиёдаги энг йирик овоз ёзиш компаниясидир. Компания 1998 йил 13 майда ташкил этилган. Компания таркибига “Тарона-концерт” продюсерлик ижодий маркази, “Ўзбегим таронаси” радиоси ва “Шарқ-Синема” киностудияси киради.

“Тарона-концерт” продюсерлик ижодий маркази 2000 йилда ташкил этилган бўлиб, бир неча йиллардан буён янги продюсерлик лойиҳаларини амалга оширади, Тарона юлдузлари иштирокида гала-концертлар, ҳамда хонандаларнинг яккахон концертларини ташкиллаштиради.

“Ўзбегим Таронаси” радиоси FM 101 тўлқинида 2000 йилнинг 24 июль куни ўз фаолиятини бошлаган, бир неча йилдан буён фаолият олиб бораётган радиолардан биридир. Эфир ўзбек ва рус тилларида бўлиб, ўзбек эфирида радиобошловчилардан Дилмурод Ғуломов, Жамшид Ҳожиниязов, Раъно Алимова, Турсуной Алимова, Dj Mix, рус эфирида эса Магомтали Идоётов, Ирина Перец, Дмитрий Филиппов, Амалия, Аля Бриз ва бошқалар эфир олиб борадилар.

"Шарқ-Синема" киностудияси 2005 йил ташкил этилган ва бир қатор кинофильмлари билан машҳур бўлиб, энг биринчиси хонандалар Лола ва Шахзода иштирокидаги "Севинч" (реж.Аюб Шахобиддинов ва Ёлкин Тўйчиев) кинофильми эди. Шундан сўнг, киностудияда хонанда Шахзода иштирокидаги "Фотима ва Зухра", хонанда Шохруххон иштирокида "Ромео ва Жульетта", хонанда Шахзода иштирокида "Зумрад ва Қиммат", шунингдек, "Сўғдиёна", "Ташландик", "Телба", "Фериде", "Қалбим ўғриси", "Хижрон", "Нафс" каби кўплаб кинофильмлар яратилган.

"MUVAD VIDEO" СТУДИЯСИни тўлақонли равишда продюсерлик марказлари сафига киритиб бўлмасда, у ўзбек шоу-бизнесида студиялар ичида энг биринчи пойдевор қўйганлардан бири ҳисобланади. Ўз фаолиятини 1994 йилда бошлаган бу студия, аудио-видео маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган. Аввалига маҳсулотларини аудио ва видеокассеталарда тақдим этган бўлса, бугунги кунда CD ва DVD дискларда турли концертлар, видеоклиплар, бир сўз билан айтганда видео ва аудиёзувларни томошабинларга етказиб бермоқда. Кўплаб санъаткор ва гуруҳлар билан ижодий ҳамкорликни йўлга қўйган йирик компания видеоконцертлар, аудиотўпламлар, фильмларнинг турли шаклдаги маҳсулотларини кўпайтириш, сотиш ҳуқуқи билан шуғулланиб, республикамиз ҳудуди ва хорижда ўз фаолиятини олиб бормоқда. "Мувад-видео" 2007 йилдан концертларни ташкил этиш фаолиятини ҳам йўлга қўйган бўлиб, Озодбек Назарбековнинг кўпгина яққалон концертларининг бош ташкилотчисига айланган. Шунингдек, хонандалар Алишер Файз, Хожиакбар, Дилфуза Исмоилова, Ҳосила Рахимова, Севинч Мўминова, бастакорлардан Мусахон Нурматов Мувад видео студияси билан ижодий ҳамкорликда фаолият олиб борганлар. Ҳозирда ҳам студия ўзбек миллий ва эстрада кўшиқчилиги санъатини ривожлантириш, ёш иқтидорли санъаткорлар билан ижодий ҳамкорликни йўлга қўйиб, янги лойиҳалар яратиш устида иш олиб бормоқда.

Қайд этиб ўтиш лозимки, Бугунги кунда Ўзбекистонда бир қатор давлат киностудиялари билан бирга юзга яқин хусусий киностудия фаолият юритади. Булар қаторида “Ўзбекфильм”, “Ватан”, “Ўзкинохроника” киностудиялари, “5- студия” ёшлар тажриба-ижодий уюшмаси, шунингдек, “Cinema Service”, “Zamin film”, “Ko’zgu Film”, “Art Creator”, “Ezgu Film”, “Exclusive Films”, “Davr-Premyer”, “LONA”, “Rakurs TV”, “Shayxontohur film”, “Kinomania”, “Fox Music Cinema”, “Ilk film”, “Инсон киностудияси” кабиларни санаб ўтиш мумкин. Республикамизда суратга олиниб, жамоатчилик эътиборига ҳавола этилаётган фильмларнинг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ҳар йили янги-янги номлар кашф қилинапти. Биргина 2015 йили давлат буюртмаси асосида 10 та, хусусий киностудиялар томонидан қирққа яқин бадиий фильм яратилди. Ҳар ой камида 3-4 тадан янги фильмнинг премьераси бўлиб ўтмоқда. Республика раҳбариятининг, шахсан Президентимизнинг ушбу соҳага қаратаётган алоҳида эътибори, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаши натижасида давлат буюртмаси асосида ҳар йили ўнлаб бадиий, ҳужжатли ва анимацион филмлар ишланмоқда. Ўзбек киноси намуналари аста-секин турли халқаро фестивалларда мукофотлар олиб, хорижлик киночилар тилига ҳам тушмоқда. Бу яхши, албатта. Бугунги кунда республика кинотеатрлари репертуарининг асосий улушини миллий филмлар ташкил этаётганини ижобий ҳолат сифатида баҳолаш мумкин. Бироқ бугунги киножараёни кузатсангиз, қилинган ва қилинаётган ишлар баробарида камчиликлар ҳам мавжуд экани ва уларни бартараф этмасдан туриб, жаҳон киноси билан бўйлаша оладиган филмлар яратиш осон бўлмаслиги кўзга ташланади.

Ўзбек киночилари олдидаги долзарб вазифалар сирасига продюсерлик мактабларининг ёқлиги, сценарий муаммоси, иждодий ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги, кадрлар етишмовчилиги, ёшлар билан ишлаш, экранда замон қаҳрамонини жонлантириш ва миллий кинонинг келажаги билан боғлиқ бошқа муҳим масалаларни киритиш мумкин. Янги, хилма-хил, мухлислар

кўнглидаги гапни топиб гапира оладиган қаҳрамонлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи филмларга, айниқса, эҳтиёж катта.

Президентимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида "Ёшларнинг тарбиясига чуқур таъсир кўрсатадиган замонавий қаҳрамон образи кино экранларимизда ҳали яратилганича йўқ. Сурагга олинаётган аксарият филмларда киночиларимизнинг бугунги куннинг ҳақиқий манзараси, унинг ўткир муаммоларини чуқур ҳис эта олмаслиги, оддий одамлар ҳаётидан узоқлашиб қолгани сезилиб туради", деб ёзган эди.

Шу гапларнинг ўзиёқ миллий кинематография олдида турган вазифалар кўлами ниҳоятда кенг экани, киноижодкорлар ушбу вазифани бажариш учун ҳали кўп тер тўкиши кераклигини кўрсатади.

Жаҳон киносида ҳам, миллий киноларимизда ҳам иккита асосий ўзан, йўналиш бор. Бири — муаллифлик киноси (бизда давлат буюртмаси асосида сурагга олинаётган фильмлар), иккинчиси — оммавий (кўнгилочар, тижорий) кино.

Муаллифлик киноси ўзига сарфланган маблағни қайтаришни назарда тутмайди. Бу кино асосан маънавий озуқа сифатида халққа тақдим этилади. Юксак эстетик идеаллар, ватанпарварлик ғоялари, юрт тақдирига-дахл-дорлик туйғулари, миллатга хос азалий қадриятларни тараннум этиш, улуғлаш каби ижтимоий функцияларни бажаради. Яна бир жиҳати борки, энг сара муаллифлик фильмлари халқаро фестивалларда намойиш- этилиб, ўз давлати, миллати доврўғи-ни юксалтиришга хизмат қилади. Айрим муаллифлик кинолари фақатгина зиё-лиларга, маълум бир соҳа вакилларига тушунарли бўлиши мумкин.

Оммавий кино асосан ёш, ҳали идеаллари шаклланиб улгурмаган, турли ижтимоий қатламга мансуб томошабинларга мўлжалланган бўлади.

Айрим фильмларда ушбу иккита йўналиш уйғунлашиб, яна бир йўналиш («мейнстринг», «арт-мейнстринг»), яъни муаллифлик ва оммавий кинонинг ўртасидаги бир йўналиш ҳосил бўлади. Бундай киноасарлар зиёли-

ю авом, ёшу қари, ҳаммага бирдай ёқиши, миллатни бирлаштириши билан аҳамиятлидир. Ўзбек киноижодкорлари томонидан суратга олинган «Маҳаллада- дув-дув гап», «Сен етим эмассан!», «Ватан», «Ўтов», «Паризод» фильмлари ушбу йўналишга мансуб.

Хусусий киностудияларнинг фильмларида кузатилаётган ташвишли ҳолатларидан бири картина ғояси, сюжетини АҚШ, Ҳиндистон, Туркия ва бошқа давлатлар фильмларидан ўғирлаш билан боғлиқ. Чет эл киномаҳсулотларига очикдан-очик тақлид қилиш, улардаги воқеаларни кўр-кўрона кўчириб олиш ёки бироз ўзгартириб оммага тақдим этиш натижасида миллатимизга алоқаси йўқ ки-нолар, образлар пайдо бўла бошлади. Нодавлат киностудиялар томонидан суратга олинаётган фильмларда ўзбекнинг феъл-атвори, қаҳрамонларда ўзбекона характер кўринмайди. Сўзимизни сўнгги вақтда яратилган фильмларда йиғлоқи эркаклар, севган қизи ташлаб кетмаслиги учун ҳар қандай номаъқулчиликни бўйнига олаётган йигитлар, эркакшода аёллару эрини чилдирма чалгандай ўз йўриғида “ўйнатаётган” келинлар образи кўпайиб бораётгани ҳам тасдиқлайди. Бундай картиналарнинг хавfli жиҳати шундаки, уларни томоша қилаётган томошабин ҳаётни шундай экан деб қабул қилади.

Русларда шунақа гап бор: “Ҳар бир миллий фильмда миллатнинг имзоси бўлиши керак!” Масалан, давлат буюртмаси асосида суратга олинган “Сув ёқалаб”, “Кичкина одамлар”, “Чол ва набира”, “Виждон” каби фильмларда ўзбек қиёфаси рўй-рост кўриниб туради. Афсуски, тижорий киноларда ана шу нарса етишмайди.

Кинодраматургия соҳасидаги камчиликлар асосан қуйидаги ҳолатларда кўринади:

— аксарият адабий сценарийларда танланган мавзуларнинг бир-бирига ўхшашлиги, асосан енгил-елпи маиший масалаларга бағишланганлиги, долзарб муаммоларни қамраб ололмаслиги;

— уларда кўпчиликка ибрат бўладиган тўлақонли қаҳрамонларнинг йўқлиги, ясама образлар, ҳаётийликдан йироқ, ишонарсиз воқеа-ҳодисалар акс эттирилиши;

— адабий тил меъёрларига етарлича эътибор бермаслик, персонажлар диалогларининг маромига етказилмаслиги;

— драматургиянинг суствлиги, сюжетда динамиканинг етишмаслиги, сюжет асосан гап-сўзлар ва монологлардан иборат бўлиб қолаётганлиги.

Қолаверса, хусусий киностудиялар томонидан фильмлар жуда қисқа вақт ичида, кўп ҳолларда ҳеч қандай репетициясиз, имкон қадар бир-икки дублдаёқ суратга олинаётгани ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Табиийки, бундай иш услуби, биринчи навбатда, актёр учун қийинчилик туғдиради. Унда рол устида изланиш тугул, қаҳрамон яшайдиган муҳитга мослашишга ҳам вақт етмайди. Бадиий фильмлар синовсиз, тайёргарликсиз суратга олиними оқибатида эса, бир марта томоша қилиш майли, ярмигача ҳам кўриш мушкул бўлган саёз “фильм”лар кўпайиб кетади. Хорижда фильм яратиш учун икки, уч йил сарфланиши одатий ҳол. Бизда эса аксарият фильмлар икки ойга етмай юмалоқ-ёстик қилинади. Табиийки, бундай фильмларнинг умри ҳам қисқа бўлади.

Классик картиналарда ҳатто битта сахна учун ойлар, йиллар сарфланган. Масалан, япон кинорежиссёри Акира Куросава машҳур «Ран» фильмини суратга олаётганда Ҳиндистон тоғларида лайлакқор ёғишини узок вақт кутади. Таассуфки, қиш фасли бўлса-да, қорнинг учкуни ҳам кўринмайди. Ижодий жамоа чарчаган, баъзилар ортга қайтишга ҳам тайёр турарди. Ниҳоят, осмонда майда-майда қор парчалари пайдо бўлади. Ҳамма севинчдан қичқириб юборган, лекин Куросаванинг чехрасида хурсандлик сезилмасди. «Бу мен кутган лайлакқор эмас. Тасаввуримдаги эпизод учун айнан шу қорни кутишимизга тўғри келади». Агар бизда ҳам ҳар бир фильмга шундай муносабат бўлганида, бугунги ўзбек киносининг савияси бошқача бўларди...

“PROART” ИЖРОЧИЛИК САНЪАТИ МАРКАЗИ кино, мусика, мода ва дизайн, ҳунармандчилик, туризм, медиа, тиббиёт каби бир неча йўналишларни ўзида қамраган ноёб компания. “PROART” – халқаро миқёсдаги бренд саналиб, унга 2004 йил Прагада асос солинган. Хозирда унинг Ўзбекистондан ташқари Россия, Украина, Малайзия, БАА, Қозоғистон ва Туркия давлатларида ҳам филиаллари мавжуд.

Юртимиз пойтахтида 2006 йилда ўз фаолиятини бошлаган мазкур компания “ProEvent”, “ProMusic”, “ProMovie”, “ProModel”, “PopArt”, “ProTravel”, “ProMedia”, “ProMedical” йўналишидаги лойиҳалари орқали ўзини оммага танитиб улгурди. Бу ҳақда диплом ишимнинг 2-бобида батафсил ёритилади.

“AKFA-MEDIA” КОМПАНИЯСИ 2006 йил 16 майда “Акфа” компанияси қошида ташкил этилган. Компания ўз йўналиши бўйича, продюсерлик вазифаларини амалга ошириб, ёш истеъдодли хонандаларни тайёрлаш, клип ва фильмлар суратга олиш, турли видео маҳсулотларини монтаж қилиш, видео маҳсулотларини суратга олиш учун керакли техник жиҳозларни ижарага бериш билан шуғулланади.

Бу ерда санъат композициясини яратиш учун зарурий барча шароитлар (яъни, вокал дарслари, шейпинг, сахна пластикаси устахоналари) яратилган.

Бастакорлардан Рустам Тўлашев, шоирлардан Иброҳим Жиянов Акфа-Медиа билан ижодий ҳамкорликда фаолият юритганлар. Хонандалардан “Божалар” гуруҳи ҳам Акфа медиа билан ижодий ҳамкорликда бўлган.

Акфа медиа ташкил этилганидан буён “Божалар” гуруҳи хонандаси – Жаҳонгир Фозилжонов режиссёрлигидаги фильмларга ҳомийлик қилинган. Булар “Бойвачча”, “Амакиваччалар”, “Нортой”, “Аччиқ ҳаёт” ҳамда Мўмин Орипов режиссёрлигидаги “Қалбаки дунё” фильмлари. Шунингдек, Жавлон Шодмонов режиссёрлигидаги “Шаддод қиз”, Жасур Шаметовнинг “Учрашув” фильмлари ҳам Акфа-Медиа билан ҳамкорликда суратга олинган.

Акфа-Медианинг илк продюсерлик лойиҳалари хонандалар Зиёда, Ойбек ва Нигора эди. Улар билан 2005 йилнинг октябрида 3 йил муддатга шартнома тузилган бўлиб, 2010 йилдан уларни шартнома муддати ниҳоясига етди. Шу муддат ичида Зиёда, Ойбек ва Нигора етарли даражада машҳурликка эришдилар. Уларнинг уччаласи ҳам "Ниҳол" мукофотини, Зиёда эса "MTVA 2007" тақдирот маросимида "Йилнинг энг яхши аёл хонандаси" номинацияси ғолиблигини қўлга киритдилар. Улар Акфа медиа билан шартнома муддатини узайтирмадилар ва ҳозирги кунда мустақил ижод қилишмоқда.

2009 йил ниҳоясига келиб, Акфа-Медиа яна янги продюсерлик лойиҳалари учун кастинг эълон қилди ва кастинг асосида бир неча ёшлар саралаб олинди. Булар Рухшона, Жамшид Шокиров, Сирожиддин эдилар. 2011 йилда улар сафига Умидахон қўшилган эди.

2012 йил октябр ойидан "Акфа Медия" продюсерлик маркази ўз фаолиятини расман тўхтатди.

"NEW STAR- MEDIA" продюсерлик маркази халқимиз эътиборига янги хонанда, янги овоз, янги истеъдодни таништириш мақсадида фаолият юритади. Марказ 2010 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Сардор Рахимхон томонидан ташкил этилган бўлиб, Дилсўз, Ҳумоюн Мирзо, Жафар, Одилхон Саид ва "Баён" билан боғлиқ лойиҳаларни амалга оширди.

"ART UZ PROMOTIN AGENCY" – продюсерлик фаолияти билан бир қаторда йирик кўламдаги мусиқий лойиҳалар ҳамда PR акцияларни амалга ошириш, нафақат юртимизда, балки МДХ мамлакатларининг энг катта залларида концерт дастурларини ўтказиш, гастроль турнеларини ташкиллаштириш билан шуғулланувчи, кўп йиллик тажрибага эга, нуфузли компания бўлиб, у ўн йиллик фаолити давомида Валерий Леонтиев, София Ротару, Pitbull, Sofi Ellis –Bekstor каби шоу-бизнеснинг кўплаб биринчи даражали юлдузлари билан ишлаган.

“Art Uz Promotin Agency” 2015 йилдан ўзгача янги лойиҳалар билан халқимизни хушнуд эта бошлади. Янги йил совғаси сифатида “Қор маликаси” оилавий эртақ шоу-мюзикли шахримизда илк бор томошабинлар ҳукмига тақдим этилган бўлиб, кутилмаган даражада муваффақият қозонди.

Унда иштирок этиш учун “Главная сцена” лойиҳаси ғолиби Сардор Милано, хонанда Саида, Жасур Мирсағатов, Камилла (Алена Акиева) ва Миржон Ашраповлар тақлиф этилди. Мюзиклнинг постановкачи-режиссёрлари ака-ука Хасан ва Хусан Салиховлар бўлиб, улар ўзлари ҳам мюзиклда иштирок этишди. Бошқа эртақ қаҳрамонлари образига артистлар кастинг асосида танлаб олинган бўлиб, мюзиклда рол ижро этган ҳар бир иштирокчи ўз образини аъло даражада уддалади.

Саҳнадаги гўзал ва махсус 3D декорациялар, образларга мос яратилган урбанистик либослар, замонавий хореографиянинг уйғунлиги натижасида пайдо бўлган эртақона муҳит ижодий жамоа мюзиклни саҳналаштириш ишларига жуда юқори савияда ва пухта тайёргарлик кўрганлигидан далолат берарди.

Бу йилнинг унутилмас мюзикл-шоу дастури сифатида эса 2016-йилнинг 13-14 май кунлари “Истиқлол” санъат саройида “Менинг Тошкентим” номли мюзикли тақдим этилди

“Art Uz Promotin Agency” маркази ҳамisha бир-бирига ўхшамас янги лойиҳалар, улардаги ўзгача услуб, профессионал ёндашув, ёрқин ва унутилмас образлар билан ажралиб туради.

“ART EXPO SERVICE” продюсерлик маркази “Guli Bonu” номи билан танилишга улгурган йирик марказ ҳисобланади. Унинг мақсади ноёб ва асл ўзбек маданий меъросини сақлаб қолиш ва кенгайтириш ҳамда уни бутун дунёга жорий қилиш ҳисобланади. Мазкур продюсерлик маркази 11 йилдан ортиқ шоу бизнес оламида фаолият юритиб, Ўзбекистон в хорижда концерт, кўнгил очар дастурлар, ярмарка ва кўрғазмаларни ташкиллаштириб келмоқда.

“Art Expo Service” ўз лойиҳалари доирасида Карен Гафуржанов, Улуғбек Отажонов, “Анор” гуруҳи, “Аббос” гуруҳи, “Жозиба” гуруҳи” ва Рустам Маҳмудов гуруҳларининг ижодий фаолиятини бошлаб берган.

Бугунги кунда халқимизнинг севимли санъаткорлари Муножот йўлчиева, Дилнура Қодиржонова, “Ўзбекракс” ансамбли ва бошқалар “ART EXPO SERVICE” маркази билан ижодий ҳамкорлик олиб бормоқдалар. Хорижий ҳамкорлар сифатида эса Gkultur, Unlimited Classics, Ahoi Kunst+Kultur (Германия), Asian Music Circuit, Global Heritage, ARC Music Productions International Ltd, Real World Music Ltd (Буюк Британия), Link TV, Putumaya (АҚШ), Nazim Nadirov Productions (Москва), Playing World Festival (Израиль), Partenope (Испания), Saraswati Music College (Ҳиндистон), Orange World (Польша) каби компаниялар саналади.

Марказ MIDEM, WOMEX, Sonar, SXSW каби халқаро фестивалларнинг доимий иштирокчиси ҳисобланади. Бу йилда ҳам у South by Southwest фестивали (АҚШ, 12-18 март), Қишки мусиқа конференция (Маями, 19-22 март), Нью-Йорк мусиқий фестивали (Нью Йорк, 2-12 апрель)да ўз лойиҳалари билан иштирок этди. Ҳозирда эса июнь ойида Франияда бўлиб ўтадиган танқли MIDEM халқаро мусиқа форуми учун ишланган лойиҳа устида тайёргарлик жараёни кетмоқда.

Марказнинг ўзи ҳам кўргазма ва фестивалларни ташкил этиш бўйича кенг қамровли ишларни йўлга қўйган бўлиб, шоу-бизнес оламида ўз нуфузини мустаҳкамлаб бомоқда.

Юқорида санаб ўтган продюсерлик марказлари йўналиш ва фаолият жиҳатидан бир-биридан фарқ қилсада, уларни бир мақсад бирлаштиради. Яъни, уларнинг барчаси ўзбек санъати ва маданиятини ривожлатириш йўлида тинимсиз изланиш олиб бормоқдалар.

2-боб. ПРОДЮСЕРЛИК МАРКАЗЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ИЖОДИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

2.1. Продюсерлик маркази лойиҳаларининг таҳлили ("PROART" ижрочилик санъати маркази мисолида)

Продюсерлик марказларининг фаолияти ижодий технологиялардан холи бўлолмайди. Чунки, продюсер бу аввало ғоя муаллифи, янгилик яратувчи шахс. Шунингдек, у фаолият юритувчи санъат ва маданият соҳасининг асосини ҳам айнан ижодий жараёнлар ҳосил қилади. Ижодий жараёни ташкил этиш продюсернинг асосий вазифасидир. Санъатнинг қайси тури бўлишидан қатъий назар, продюсер режиссёрнинг, маъмурнинг, ташкилотчининг вазифаларини билиши, бажара олиши лозим. Олдинги бобларда таъкидлаганимиздек, продюсер санъатнинг қайси турида ижодий фаолият олиб бормасин, у ана шу санъат турининг алифбосини чуқур, профессионал даражада билиши, тушуниши лозим. Агар бу соҳада делетант бўлса, албатта у амалга ошироқчи бўлган лойиҳа инқирозга, муваффақиятсизликка учрайди.

Келинг, энди продюсерлик фаолиятида "ижодий технологиялар"нинг ўрнини баҳолаш учун, даставвал бу бирикмадаги икки тушунчанинг маъноларига тўхталиб ўтамиз.

Ижоднинг ягона таърифи ҳозирча йўқ, бироқ у ҳақида аниқ тушунча ҳосил бўлган. Ижод – инсоннинг шундай фаолиятидирки, унинг натижасида бирор янги, унгина мавжуд бўлмаган нарса яратилади. Яъни, ижод — инсоннинг янги моддий ва маънавий неъматлар яратиш фаолияти бўлиб, унда инсон тафаккури, хотираси, тасавури, диққати, иродаси фаол иштирок этади, бутун билими, тажрибаси, истеъдоди намоён бўлади. Ижод ғоя шаклида дастлаб инсон тасавурида туғилиб, кейин унга тааллуқли масалалар юзасидан изланишлар олиб борилади, бошқалар бажарган ишлар таҳлилий кўриб чиқилади, кузатишлар ва тажрибалар ўтказилиб, мантикий

хулосалар чиқарилади, гипотезалар қилинади, булар тажрибада синаб кўрилади, нотўғри бўлса янгиланади ва ҳ.к.

Ижод мураккаб жараён бўлиб, инсон фаолиятининг идрок этиш, баҳолаш, кадрлаш сингари турлари билан боғлиқ ҳолда амалга ошади. Бунинг учун ижодкор эркин хаёл, озод тафаккур, кенг кўламли тасаввур, миллий ғурур ва юксак орзуларга эга бўлиши керак. Бадиий ижод маҳсулининг оммавийлиги ва ижтимоий аҳамияти ана шу билан белгиланади.

Технология (юн. *techné* — санъат, моҳирлик, уқув ва ...логия -фан) эса ҳар қандай соҳада, айниқса ижтимоий-маданий йўналишда мазкур соҳа объектив қонуниятларини максимал даражада акс эттирувчи фаолият бўлиб, у соҳани ривожлантиришнинг мантиқий асосларига таянади ва шу сабабли, яқуний натижаларнинг олдиндан белгиланган мақсадларга мувофиқ келишининг энг юқори кўрсаткичларини таъминлайди.

Анъанавий ёндашувга кўра, технология хом ашё ёки материалга ишлов бериш, тайёрлаш, шунингдек, унинг ҳолати, хоссалари ва шаклини ўзгартиришга қаратилган усулларни тартибга солувчи тизим; шу усулларни ишлаб чиқиш, жорий қилиш ва такомиллаштириш билан шуғулланадиган фан сифатида эътироф этилади.

Бу икки тушунчани ўзаро боғласак, ижодий технологиялар бу – янгилик яратиш, бизнинг ҳолатда янги лойиҳани амалга ошириш (янги эстрада юлдузини кашф қилиш, ноёб концерт-шоусини ташкил этиш, кутилмаган мавзу ёки ўзгача услубдаги кинокартинани тақдим этиш ва ҳ.зо)да энг замонавий ва самарали усулларни тадбиқ этиш механизми экани келиб чиқади.

Продюсерлик маркази ўз фаолиятида ижодий технологиялардан қанчалик моҳирона фойдаланса, унинг лойиҳалари шунчалик муваффақиятли амалга ошади. Келинг, энди буларни PROART ижрочилик санъати маркази фаолияти доирасида кўриб чиқамиз.

Олдинги бобда келтириб ўтганимиздек, “PROART” – юртимизда фаолият юритувчи энг нуфузли ва серқирра истеъдодларнинг ижодий уюшмаси бўлиб, мусиқа, кино саноати, амалий санъат, мода, дизайн, туризм ва бошқа кўплаб соҳа ихлосмандларини бирлаштиради. Унда ижодсиз ҳаётини тасаввур эта олмайдиган тажрибали мутахассислар, иқтидорли ёшлар, ҳамиша янгилик, инновациялар ва ривожланишни хоҳлайдиган ташаббускор шахслар фаолият юритади.

Компания мақсадларига ўз бизнесининг юқори рентабеллиги ва барқарорлигини сақлаш, мижозларга кўрсатилаётган хизматларнинг юқори даражасини таъминлаш, миллий ва халқаро санъат бозорида ўз ўрнини мустаҳкамлаш кабилар кирар экан, у буларни амалга ошириш йўлида барча мавжуд имкониятларни ишга солиб, келгусида базасини кенгайтириш, имкониятлар самарадорлигини ошириш, сифат кўрсаткичларини яхшилаш ва янги илғор технологиялардан фойдаланишни кўзлайди.

Келинг, мазкур продюсерлик марказининг йўналишлари ва улар томонидан амалга оширилган лойиҳаларни бирма бир кўриб чиқамиз.

Марказ куйидаги йўналишларда фаолиятини олиб боради:


ProEvent – марказ фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланиб, ҳар қандай корпоратив тадбирлар, тақдимот ва намоёишлар, тўй, байрам, юбилей, шодиёналар, концерт дастурларини ўтказиш бўйича сценарийнинг илк бобидан финнал аккордларига қадар амалга ошириладиган тўлиқ хизматлар тўпламини таклиф этади. Ундаги мутахассислар турли тантанали дастурлар, байрам кечалари, концертлар, шунингдек аниқ мавзули тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказиш, эвент (тадбирлар) саноатини халқаро даражага олиб чиқиш, бугунги замон талабларига мос келувчи янги лойиҳалар ишлаб чиқишга билан шуғулланади. Йўналишнинг энг муваффақиятли лойиҳалари жумласига 2015 йил, 17 май куни Туркиянинг Истанбул шаҳрида “Ўзбек маданияти куни” муносабати билан ташкиллаштирилган концерт дастурини келтириш мумкин. Катта кемадаги 4

соатлик концерт дастури давомида латофатли Райхон ва ўзига хос услубга эга санъаткорлардан Жаҳонгир Отажонов лойиҳанинг бош иштирокчилари сифатида ўз ижодлари билан келганларни хушнуд этишди. Дастурни юртимизнинг иқтидорли бошловчиси Нилуфар Сотиболдиева ва машҳур турк ижрочиси Доғуркам Эрдем олиб боришди.



Тадбир доирасида юртимизнинг етакчи дизайнерлари Дилдора Қосимова ва Ирода Ризаева, шунингдек малакали стилист ва дизайнеримиз Бегзод Саитов иштирокида мода намоишлари бўлиб ўтди. Шов-шувли концерт намоишида DjAkrom ва “Sharq Disko” дастурлари ҳам тақдим этилди.

Яна бир ёрқин мисол, яқиндагина – апрель ойининг 22 санасида пойтахтимизнинг “Сарбон” ресторанида ташкил қилинган “PROART Sumalak party” тадбири бўлиб, у эстрадамизнинг ёрқин юлдузлари, истеъдодли кино актёрлар, таниқли дизайнерлар ва шоу-бизнес оламининг бошқа вакиллари бирлаштирди.



Насиба Абдуллаева, Шахноз, Райхон, Муниса Ризаева, Манзура, Диёрбек Махкамов, Шерзодбек, Шахриёр каби ўнлаб хонандалар ўз кўшиқлари билан дастурга байрамона кайфият улашишди. Ажойиб кеча кўркига ProDance Show ракс жамоаси ҳамда PROMODEL AGENCY нинг жозибадор моделлари кўрк кўшишди. Улар ўз нуфузига эга бўлган Бекзод Саитов, Нариман Григорьян, Dilya Mur, Zarina, Crockid каби дизайнерларнинг баҳор-ёз 2016 коллекцияларини йиғилган меҳмонларга намойиш этишда кўмаклашишди.




ProEvent йўналиши бўйича бутунлай янги лойихалар режалаштирилган бўлиб, ҳозирда уларнинг бир қанчаси устида қизгин ишлар бошлаб юборилган. Махсус эффектлар, жозибали, либослар, жўшқин мусиқа ва рақслар асосида театрлаштирилган ёрқин шоуға тайёргарлик кўрилмоқда. Март ойидан ўтказилган кастинглар натижасида иқтидорли раққоса ва раққослар сараланиб, эндиликда сахналаштириш ишлари ва репетиция жараёнлари амалга оширилмоқда.



“ProMusic” – марказнинг кенг тармоқли йўналишларидан бири бўлиб, эстрада санъатида янги истеъдодларнинг юзага чиқиши, ижодий жамоалар ва яккахон ижрочилар репертуарларини доимий равишда янгилаш ҳамда мукаммаллаштириш учун илғор иқтисодий-ижодий замини фаолиятини мувофиқлаштириш, бу соҳадаги бозорнинг талаб ва таклифларини ўрганиш билан шуғулланади. У қуйидаги хизматларни ўз ичига олади:

- продюсерлик фаолиятини амалга ошириш (ёш хонанда, мусиқачи ва ижодий гуруҳларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг яширин иқтидорларини кашф этиш ва “юлдуз” даражасига олиб чиқиш);
- имиджмейкерлик (санъаткорларга хос бетакрор образ яратиш);
- репертуар танлаш;
- PR ва промоушен дастурларини амалга ошириш;
- вокал машғулотларини ўтказиш;
- студияда қўшиқ ёзиш;
- сахна харакатларини ўргатиш;
- фонограмма ёзиш;
- мусиқий лойиҳаларни ишлаб чиқиш;
- шоу-дастурларини ташкиллаштириш ва ўтказиш;
- тижорат асосида овоз ёзиш ва бошқалар.



Марказнинг мусиқий йўналишида амалга оширган лойиҳаларнинг сон-саноғи йўқ. Компаниянинг энг шов-шувли, энг қиммат ва йирик лойиҳаси – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Райҳоннинг концерт дастурлари саналади. PROART 2015 йилдан хонанданинг концерт ташкилотчиси сифатида иш олиб боради. Бу йилги

концерт ҳам ўзига хос тарзда сахналаштирилди. Концертдан аввал пойтахт

кўчаларини беаган баннерларда Райхон Миср маликаларига хос образда гавдаланганлиги кўпчиликка қизиқ туюлган бўлса, санъат саройида концерт дастурининг илк дақиқаларидаёқ ушбу образ сири томошабинлар кўз олдида намоён бўлди. Райхоннинг гўёки самодан Миср маликалари қиёфасида тушиб келиши залда ўтирган томошабинларни олис ўтмишга, Пирамидалар шахрига саёҳатга олиб кетди. Миср фиръавнлари, маъбуд ва маъбудаларининг уйғунликдаги рақслари томошабинларни бир сония бўлсин бефарқ қолдирмади. Миср ўлкасидаги ғаройиб сахналар зум ўтиб миллий руҳдаги либослар ва миллий куй-рақслар билан алмашди. Райхон миллий образда ҳам ўзини омадли равишда намоён эта олган. Ва ниҳоят, Райхон азалий севги, мухаббат, хиссиёт ва ўтли туйғуларнинг рамзи бўлган ранглар оғушида сахнада гўё “парвоз этди”. Кўшиқ ва мусиқа, рақслар, ҳар бир ҳаракат ва деталлар концерт яхлитлигини таъминлаган. Ранглар ва чироқлар ўйини ушбу яхлитликка янада кўрк берган. Сахнадаги қизгин ифода топаётган ҳар бир намоёиш мухлисларнинг самимий олқишларига сабаб бўлди. Дастурнинг асосий қисми барча учун севимли бўлган “Дилимо” кўшиғига мухлисларнинг қизгин олқиши ва рақслари билан яқун топди.



Шунингдек, хонанда Райхоннинг ўз мусиқий альбомларини ёзиб чиқаришда ҳам PROART билан ҳамкорлик қилади.

Яна бир йирик лойиҳа – ўзбек эстрадасининг ёркин ва жозибадор хонанадаси Муниса Ризаеванинг мега шоу дастури бўлди.



2015 йилнинг 19,20,21 октябрь кунлари Муниса Ризаеванинг яккахон концерти кутилмаган сюрприз ва шов-шувли жараёнда, аншлаг даражасида намоиш этилди. Турли чироклар рақси, деярли сахнанинг барча қисмини қамраб олган мониторлар ва ундаги ранглар ўйини ва рақслар ҳамоҳанглиги, шўх, рақсбоп мусиқалар, хит кўшиқлар ва

кечанинг бош қаҳрамони такрорланмас Муниса Ризаева! Буларнинг барчаси мазкур концерт дастурида ажойиб уйғунликда ўз ифодасини топди. Кўшиқлар ижроси жараёнидаги Мунисанинг пластик ҳаракатлари, рақслари ва ҳатто жўшқин актёрлик ижролари залдаги томошабинларга, хонанданинг мухлисларига кўтаринки кайфият, эстетик завқ улашди. Концертда таниқли метр актёрлардан Мурод Ражабов, Муяссар Бердиқулова ва хонанда Шахзод Муродов ижросидаги сюжет, раққосалар тимсолида романтик шоу-балет рақслари томошабинларга гоҳ сокин, гоҳ рақс жўшқинлиги кайфиятини улашди Муниса Ризаева ўзбек ретро киноси ҳисобланган “Махаллада дув-дув гап” фильмини янги талқин ва янги кўринишда сахнага олиб чиқди. Концерт дастурининг Муниса Ризаева ижросидаги ватан ҳақида куйланган кўшиқ билан яқун топиши, сахнага юртимиз байроғининг тушиб келиши унга ўзгача самимий ватанпарварлик руҳи ва кайфиятини бахш этди.

Кўп ўтмай, PROART маркази Мунисанинг иккита мусиқий альбомини



тақдим этди. Бири Муниса Ризаева ижодидаги барча янги тароналарни камраган бўлса, иккинчиси концерт дастурининг видео вариантыни ҳосил қилди.

Шунингдек, PROART Насиба Абдуллаева, Нилуфар Усмонова, Райҳон, Жаҳонгир Отажонов, Азиза Ниёзметоваларнинг хорижий давлатлардаги гастроль-концерт фаолиятларини ҳам ташкиллаштиришда мунтазам иштирок этади.

Компания студиясида Нилуфар Усмонова, Отабек Муталхўжаев, Манзура, Шохрух каби таниқли хонандалар ўз мусикий альбомларини ёзади. Ойхон Ифозода, Шерзодбек, Сарвара ва бошқа кўплаб санъаткорлар компания билан ҳамкорлик алоқаларини юритишади.

PROARTнинг мутлақо янги ва мустақил лойиҳаси – Шаҳруз (Рустамов) бўлиб, компания 2015 йилда хонанда билан шартнома имзолади. Бугунги кунда унинг 20га яқин кўшиқлари ёзилиб, муҳлислар эътиборига тақдим этилди.



Қайд этиш ўринлики, PROARTнинг мусиқа йўналишидаги лойиҳалари хаамиша оригиналлиги ва креативлиги билан ажралиб туради.

“ProMovie” – кино саноати соҳасида янги ғоялар, янги лойиҳалар ва янги чеҳраларни тақдим этувчи йўналиш. Бу йўналиш фаолияти кинокартиналар,



эстрада юлдузларининг клиплари, турли брендларнинг реклама роликларини суръатга олиш билан бирга миллий театр асарларини сахналаштиришга ҳам қаратилган. Сўнгги даврларда кино ва клипларни суръатга олиш ишлари нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиё ҳудудида, БАА, Туркия ва Шарқий Осиёда амалга ошириш йўлга қўйилган.

Яқин келажакда хорижий ҳамкорларни жалб қилган ҳолда жаҳон фильмларини яратиш кўзда тутилган бўлиб, 2017 йилда намоиш этилиши режалаштирилган шундай фильмлардан бирининг сценарийси устида ишлар бошлаб юборилган.

PROARTнинг кино соҳасидаги муваффақиятли лойиҳаларидан бири режиссёр Жаҳонгир Аҳмедовнинг 2015 йилда суръатга олинган “Бахт ортидан...” фильми бўлиб, у ўзбек киносигаги жиддий иш сифатида юқори баҳоланган. Бош ролларни ака-ука Маҳкамовлар – Диёрбек ва Муҳаммаддиёрлар талқин этган. Муҳаммаддиёрнинг ушбу роли унинг ўзбек киносигаги илк қадамидир. Фильмда Бобур Йўлдошев, Лола Элтоева, Муҳаммад Исо Абдулхаиров, Беҳзод Муҳаммадкаримов, Муқаддас Саъдуллаева, Ситора Фармоновалар ҳам ўз ролларини юксак маҳорат билан ижро этишган.



Шунингдек, ўзига ҳос янги лойиҳа сифатида “Кўз ёшим” ва “Кўз ёшим – 2” фильмлари томошабинларга тақдим этилган. Озод Шамс режиссёрлигида суратга олинган картинада бош ролларни Асал Шодиева, Шавкат Комилов, Саида Раметова, Ҳамид Тошпўлатов, Муяссар Бердиқулова, Мунаввар Абдуллаева, Акмал

Назаров, шунингдек, Ситора Алимжонова, Севара Солиева ва Ойдин Юсуповалар ижро этган. Драма жанрида суръатга олинган ушбу фильм продюсери Руслан Мирзаев.

“Етти олам” деб номланган яна бир картина PROART марказининг лойихаси ҳисобланади. Фильм режиссёри – Озод Шамс, продюсер эса “Жодугар”, “О Марям, Марям”, “Мен юлдузман”, “Кўз ёшим” ва “Кўз ёшим-2” фильмлари орқали таниш бўлган Руслан Мирзаев. Кинокартинада бош ролларни Зарина Низомиддинова ва Алишер Усмонов ижро этишган. Бундан ташқари, Муҳаммад Исо Абдулхайиров, Мурод Ражабов, Ситора Алимжонова, Ойдин Юсупова, Азиза Бегматова, Ҳабибулло Низомов, Умид Искандаров, Ражаб Адашев, Зухра Солиева каби маҳоратли актёр ва актрисалар кутилмаган образларни яратишган.

“ProMovie” студияси томонидан Эминанинг “Икки йўл”, Дилдора Ниёзованинг “Она ноласи”, Шароф Муқимовнинг “Назира”, Лоланинг “Фарход ва Ширин” ҳамда “Мактуб” гуруҳининг “Қайт” кўшиқларига клиплар ишланган.

Шунингдек, студия “HOME COLLECTION”, “ALCATEL ONE TOUCH IDOL 2” брендлари, “BMSTORE.COM” сайти, “Nasib Tour” туристик агентлиги учун реклама роликларини ишлаган.

“ProModel” – мода намоишлари, турли тақдимот ва кўргазмаларда қатнашиш учун моделларни топиш ва тайёрлаш бўйича фаолиятини ташкил этган Ўзбекистондаги етакчи халқаро моделлик агентлиги саналади. Бугунги кунда ProModel тўпланган тажрибаларидан фойдаланиб, дунёни кўриш, ёрқин ва унутилмас карьера қилишни истайдиган фаол, интилувчан ёшлар учун ишончли раҳнамога айланди. Ҳар ой моделлик мактаби машғулотлари ташкил этилиб, унда малакали хореограф, стилист, визажист, модельер ва фотографлар иштирок этади. ProModel хорижий моделлик агентликлари билан қалин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган бўлиб, мунтазам равишда турли намоишларда иштирок этиш учун шартномалар имзолайди.

У ўз фаолияти давомида қуйидагиларни ҳам амалга оширади:

- кўргазма ва модалар намоишларида иштирок этиш учун кастинг асосида моделларни танлайди;
- бирор фирма маҳсулотини ОАВда реклама қилиш учун моделлар кастингини ўтказиб, муносиб номзодни суръатга олиш жараёнларида иштирок этади;
- либослар намоишини ташкиллаштириш ва ўтказишда иштирок этади;
- промо-акциялар уюштиради;
- тақдимотлар ўтказади;
- кўрик танловларни ташкиллаштиради;
- жамоат байрамлари, турли шоу-дастурларини ўтказишда қатнашади;
- портфолио тайёрлайди;
- мода дунёси билан боғлиқ турли янги ғоялар, лойиҳаларни амалга оширади.

Шундай лойиҳалардан бири, 2014 йил ёз ойларида замонавий бренд – CHERRYдан либослар тақдимотини ўтказиш учун ташкиллаштирилган ёрқин тадбир ҳисобланади.



PROART CENTER OF PERFORMING ARTS да CHERRY учун хонанда Лола ва дизайнер Зулфия Султон билан ҳамкорликдаги модалар намоиши ўтказилди.

Янгича йуналишда либослар коллекцияси, FASHION SHOW, ёз фаслининг сўнгги ойида кўрсатилган энг катта либослар кўргазмаси ва нихоят энг замонавий бренд.

Барча ёшдаги урфга қараб кийинишни сеувчилар учун концептуал ечимлар таклиф этилди, ҳатто гўдаклар ҳам назардан четда қолмади. Болалар ва уларнинг ота-онаси, замонавий ёшлар

учун барча турдаги кийимлар, қувноқ свитшотлар, ёқимтой футболкалар, шинам костюмлар ва бир-биридан жимжима кўйлақлар, кўчаликдан тортиб то тунги пижамагача ва ҳатто энг майда нозик компонентлар, жумладан, телефон учун аксессуарлар ҳам намоёиш этилди. Жаҳонда эстрада юлдузи ва дизайнер тандемида ўзини оқлаган лойиҳалар оз эмас. Аммо Ўзбекистонда бунақаси илк бор.

Хонанда Лола ҳамда дизайнер Зулфия Султон CHERRY брендининг бетакрор намуналари тақдимотини PROART билан ҳамкорликда ўтказишди.

“PopArt” – дунёнинг барча қирраларидаги халқ усталари, рассом ва дизайнерлар, реставраторлар, ҳайкалтарошлар, хунармандлар ва амалий санъат усталарини бирлаштиради.

“ProMedia” – бу Globalproart компаниясининг расмий реклама қилувчи жамоаси ҳисобланиб, копирайтер, дизайнер, дастурчи ва компьютер графикаси билан ишловчи креатив дизайнерлар хизматини таклиф этади. Бу бўлинма очик (ташқи) ва онлайн реклама дастурларини амалга ошириш, вебсайтлар яратиш билан ҳам шуғулланади.

“ProTravel” йўналиш тури барча йўналишлардаги туристик дастурлани амалга ошириш, сайёҳларни қабул қилиш ва юбориш билан шуғулланади.

Шунингдек, PROART таркибида медицина соҳасида йирик лойиҳаларни амалга ошириб, хорижий тиббиёт ходимлари иштирокидаги турли дастурларни таклиф қилувчи **“ProMedical”**, оффисларни кўчириш, юк ва озиқ-овқат маҳсулотлар, интернет магазинлари орқали буюртма қилинган товарларни ташиш, ҳужжатларни тайёрлаш билан боғлиқ курьерлик хизматларини тақдим этувчи **“ProExpress”** йўналишлари мавжуд.

Кўриниб турибдики, PROART лойиҳаларининг ҳар бири ўзгача йўналиш, ўзига хос услубни намоён этиб, уларни амалга оширишда марказ ходимлари ижодий технологиялардан моҳирона фойдаланаётганлари яққол акс этади.

2.2. Янги лойихани режалаштириш ва босқичма босқич амалга ошириш (“TARONA RECORDS” продюсерлик маркази мисолида)

Юртимиздаги энг яхши продюсерлик марказларидан яна бири “TARONA RECORDS” бўлиб, унда доимий равишда йирик ва янги лойихалар амалга оширилади. Шу сабабдан, продюсерлик марказлари фаолияти доирасидаги янги лойихани режалаштириш жараёнларини унинг мисолида ёритишга уриндим.

“TARONA RECORDS”нинг продюсерлик борасидаги биринчи катта лойихаси, илк таркибдаги "Сетора" гуруҳи эди. Гуруҳ таркиби уч ёш хонанда кизлар Феруза, Лайло ва Камиладан иборат бўлиб, тез орада мухлислар назарига тушган. "Сетора" гуруҳи муваффақиятли ижод қилиб, кўплаб мукофотларни, жумладан "Тарона" тақдимотида бир неча бор "Энг яхши гуруҳ", "Энг яхши кўшиқ", "Энг яхши альбом" йўналишларида ғолибликни кўлга киритишган. Шунингдек, унинг хонандалари "Ниҳол" мукофоти ҳамда "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист" унвонига сазовор бўлишган.

Шартнома муддати тугагач, “Сетора” гуруҳига янги таркиб учун кастинг эълон қилинди ва гуруҳ хонандалари бир неча марта алмашишди. Ҳозирги кунда "Сетора"нинг янги таркибида хонанда қизлар Самира, Азиза ва Гўзал фаолият олиб бормоқдалар.

1998-1999 йиллардан бошлаб хонандалардан Равшан Собиров, Тоҳир Содиков, Рашид Холиқов, Самандар, "Хўжа" гуруҳи, Озода Нурсаидова, Юлдуз Усмонова каби 95 фоиз эстрада хонандалари “TARONA RECORDS” студияси билан ҳамкорлик қила бошлашди.

2001 йилдан бошланган “TARONA RECORDS”нинг яна бир энг муваффақиятли лойихаси хонанда Шаҳзода (Зилола Мусаева) бўлиб, у машҳурликда "Сетора" гуруҳини ҳам ортда қолдирган дейиш мумкин. Бир неча бор "Тарона тақдимоти" да турли йўналиш ғолибаси, "Ниҳол" мукофоти совриндори ва энг муҳими тобора ижодда янгидан янги чўққиларни

эгаллаётган Шахзода, мунтазам чет эл хонандалари билан ҳам ижодий ҳамкорлик қилмоқда. Жумладан, рус эстрада хонандаси DJ Smash билан “Осмон ва ер орасида” (“Между небом и землей”) кўшиғини, Европанинг Акцент гуруҳи билан “Барча ёлғиз” (“All alone”) кўшиғини, шунингдек, француз диджейи Шон Беем (инг.Sean Bay), Болкон таниқли ижрочиси Доктор Кости (Dr. Costi) билан ҳамкорликда бир неча хитларни яратди. 2015 йилда машхур турк хонандаси Синан Акчил билан ҳамкорликда “Нирка” кўшиғини ёздириб, клип премьерасини 1 декабр куни Тошкентда ўтказди.

Жорий йилнинг 1,2,3,4,5,6,7 май кунлари Шахзода “Тарона концерт” билан ҳамкорликда унутилмас концерт дастурини тақдим этди.

Умуман олганда, “TARONA RECORDS”нинг ёрқин ва жозибали лойиҳалари жуда кўп бўлиб, улар қаторида Лола, “Афруз” гуруҳи, Шохрух, Шохруххон, Сардор Рахимхон, Нилуфар Усмонова, Манзура, Шахноз ва бошқалар билан амалга оширилган дастурларни санаб ўтиш мумкин.

Мазкур продюсерлик маркази мисолида янги лойиҳани режалаштириш босқичларини кўриб чиқиш учун “Сетора”нинг янги таркибидаги гуруҳи билан амалга оширилади ишларга эътиборимизни қаратамиз.

Авалло, шуни айтиш лозимки, ҳар қандай продюсерлик маркази янги лойиҳа ғоясини ўйлаб чиқгач, кастинг эълон қилади. “Сетора”нинг янги таркибидаги гуруҳи учун кастинг ёпиқ ҳолда уюштирилди. Катта очиқ кастинг учун, жуда кўп бўш вақт керак бўлади. Масалан, бир янги гуруҳ тузиш учун очиқ кастинг ўтказсангиз, камида 2 ой вақт сарфланади. Балки, бу бир тарафдан яхшидир, лекин сиз кўп вақт йўқотасиз, харажатлар ҳам кўпаяди. Агар сиз ёпиқ кастинг қилсангиз, иш самарадорлиги кўрсаткичи юқори бўлади. Аммо бунда Сизга кимлар кераклигини ва уларни қаердан топишни яхши билишингиз талаб этилади. Консерватория, Эстрада цирк коллежи, мусиқий билим юртлар... айнан сизга ас қотиши мумкин бўлган муассасалар саналади. Масалан, Консерваторияни ёки мусиқий йўналишдаги ўқув юртларини олсангиз, йилига қанча битирувчи бўлади... Шу жиҳатларни

инобатга олган ҳолда, Тарона ҳам гуруҳ қизларини танлашда кастинг ўтказишнинг ёпиқ шаклидан фойдаланди, назаримда.

Лойиҳа иштирокчилари танлангач, кейинги босқич, иш фаолиятидаги муносабатларни расмий ҳужжатлар асосида мустаҳкамлашдан иборат. Жумладан, “TARONA RECORDS” ҳам ёш хонандалар билан лойиҳа устида ишлашга киришар экан, биринчи қадам – улар билан шартнома имзолаш бўлади. Шартнома 5 йил муддатга тузилади. Унда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳисоб-китоблар тартиби, томонларнинг жавобгарлиги, форс-мажор ҳолатлари ва бошқалар батафсил ёритилади. Шунингдек, ҳужжатда санъаткор (ёки гуруҳ)нинг эксклюзив “номи”, кўшиқлари, дастурлари учун муаллифлик ҳуқуқи кимга тааллуқли бўлиши белгиланади. Шартнома кучга киргач, уни амал қилиш даври ичида санъаткор фақат шу рекорд-лейбл билан ҳамкорлик қилиши мумкин бўлади. Яъни, “TARONA RECORDS”дан бошқа бирор продюсерлик маркази, овоз ёзиш студияси ёки концер-гастроль фаолияти билан шуғулланувчи компанияларнинг лойиҳаларида иштирок этиши тақиқланади.

Гуруҳ қайси йўналишда ижод қилиши, унинг услуби, тахминий қиёфаси ва бошқа масалалар лойиҳа концепциясида инобатга олинган бўлади. Ҳояга мос ижрочилар танлангач, режалаштирилган тадбирлар амалиётга тадбиқ этилиб, гуруҳ устида ишлаш бошланади.

Демак, лойиҳа ғояси маълум, иштирокчилар танланди, шартлар келишилиб, шартномалар имзоланди. Эндиги ишлар гуруҳни тарғиб қилиш, оммага танитишга қаратилган бўлади. Бунинг учун қуйидаги босқичларни амалга ошириш талаб этилади:

1. ***Гуруҳнинг ўзига ҳос имижини шакллантириш: эксклюзив ном, сахна либосларини ўйлаб топши.*** Бизнинг ҳолатда “TARONA RECORDS” ўзининг илк муваффақиятли лойиҳаси “Сетора” гуруҳи деган номни унутилиб, йўқолиб кетишини истамагани учун янги гуруҳни ҳам шундай номлади. Чунки, бу Ўзбекистондаги биринчи энг машхур гуруҳ, биринчи

машҳур бўлган қизлар гуруҳи эди. Аммо, “Тарона” студияси директори Даврон Муқимов янги гуруҳга алоҳида ёндашилаётганлиги, ном сақланиб қолинган бўлсада, янги таркиб томонидан оригинал ижод намуналари тақдим этилиши кўзда тутилаётганлигини маълум қилди.

2. Репертуар устида ишлаш, муаллифлик қўшиқларини ёздирishi.

Янги гуруҳни оммага танитиш жараёнида, у томошабинларнинг диққат эътиборини тез қозона олиши учун, аввало мазмунли ва оригинал қўшиқлар яратилиши талаб этилади.

Шу мақсадда, “Тарона” ҳам машҳур шоир ва бастакорларни таклиф этиб, гуруҳдаги қизлар табиати, овоз имкониятлари, тембри ва жозибасини ҳисобга олган ҳолда янги тароналар матни ва мусиқаси учун танлов эълон қилди. Янгидан яратилган қўшиқлар студияларда ёзилиб, аранжировка қилинди. Баъзилари учун клиплар суръатга олинди. Ҳозирда, гуруҳнинг илк альбомини тайёрлаш ишлари амалга оширилмоқда.

3. ТВ ва радио дастурларида қўшиқ ва клипларни “айлантириши”.

Эстрада гуруҳини танитишнинг энг самарали, аммо шу билан бирга қиммат турадиган усули улар ижросидаги мусиқий композицияларни телевидение ва радио орқали тақдим этиш саналади. Айнан шу жараёнда кенг қамровли томошабинлар оммаси бўлажак “юлдуз”ларнинг ижоди билан таниша бошлайди, уларни баҳолайди. Секин асталик билан гуруҳга нисбатан қизиқиш, муносабат уйғона бошлайди.

“Тарона” Ўзбегим таронаси эфирлари орқали “Сетора”нинг кўпгина қўшиқларини айлантиришга улгурди. Улардан, “Бу юрак”, “Айт” каби композициялар “хит” даражасига етиб, мусиқий чартларда юқори поғоналарни эгаллади.

4. ОАВ орқали гуруҳ фаолиятини ёритиб бориши.

Гуруҳ ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали маълумотлар бериб бориш PR компаниясининг асосий ишларидан бири ҳисобланади. Бунда матбуот анжуманлари ва жамоатчилик тадбирларини ўтказиш, журнал ва газеталарда

санъаткорнинг ҳаёти ва ижодидаги янгиликларни ёритиб бориш, телевидение ва радио орқали интервьюлар ташкил этиш каби усуллардан фойдаланилади. Бу билан боғлиқ фаолиятларни ҳам “Тарона” муваффақиятли амалга ошириб келмоқда. “Сетора”нинг янги таркиби ҳақидаги маълумотлар бир канча газета ва журналларда тақдим этилиб, қизғин баҳс ва шов-шувларга сабаб бўлди.

5. Интернет орқали гуруҳ тарғиботини амалга ошириш. Интернет имкониятлари шу қадар кенг-ки, унда нафақат гуруҳ борасидаги маълумотларни тарқатиш, балки янги ёзилган кўшиқлар, репетиция жараёнларидаги қизиқарли лавҳаларни, турли тақдимотларни ҳам жойлаштириш мумкин. Яъни, сайт ўзида гуруҳ билан боғлиқ барча матнли, аудио-видео кўринишидаги материалларни жамлайди.

“TARONA RECORDS” ўз лойиҳалари борасидаги маълумотларни мунтазам равишда турли сайтларга жойдаб боради. Жумладан, “Сетора” гуруҳи борасидаги илк малумотлар <http://www.tarona.net/>, <http://muloqot.uz/> сайтлари орқали тақдим этилди.

6. Концерт – гастроль фаолиятини йўлга қўйиш. Европа ва Ғарб мамлакатларида продюсер ва саунд лейблларга даромаднинг асосий қисми санъаткорнинг альбом дискларини ёзиб, сотувга чиқаришдан келиб тушса, юртимизда продюсерлик марказлари ва яқка тартибда фаолият юритувчи продюсерларга тўғри ташкиллаштирилган Концерт – гастроль фаолияти катта фойда келтиради. Аммо бу ниҳоятда мураккаб жараён бўлиб, катта тайёргарлик талаб этади. Шунинг ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, бу фаолият билан шуғулланишни хоҳлаган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмасидан махсус рухсатнома олиши шарт. “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида гастроль-концерт фаолиятини, шунингдек тўй, юбилей ва бошқа тантаналарда концерт хизмати кўрсатиш фаолиятини лицензияловчи ягона орган ҳисобланади.

“Тарона” студияси директори Даврон Муқимов “Сетора” гуруҳи Қозоғистон ва бошқа чет давлатларига гастролга бораётганини, илк йирик концерт дастури эса келаси йилнинг куз ойларига режалаштирилаётганлигини маълум қилди.

Продюсерлик маркази юқоридагиларни амалга оширгач, кейинги босқий – чиқишлар миқдорини кўпайтириш, турли нуфузли фестивал ва тантаналарда иштирок этишни таъминлаш билан боғлиқ бўлади.

2.3. Продюсерлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлганларга тавсиялар

Аввало, продюсер асли кимлигини аниқлаб оламиз.

Кўпчиликнинг тушунчасида, хусусан бизнинг мамлакатимизда ҳам “продюсер” образи бир мунча хато талқин қилинади. Келинг, тушунча борасидаги тушунмовчиликларни бартараф этиш ва продюсерлик фаолиятининг туб моҳиятини англашга уриниб кўрамиз.

Санъаткорга пул тиккан инсон доим ҳам продюсер саналмайди, бу янглиш тасаввур.

«Продюсер не просто выполняет функции менеджера или финансиста». (Продюсер фақатгина менежер ёки молиячи функцияларини бажариш билангина чегараланиб қолмайди).

[Эдуард Клим, Lavina Music студияси Бош директори]

Биринчи навбатда, продюсер медиа маҳсулоти яратилишининг ҳар бир босқичидаги асосий нарсаларни билиши ва соҳа қонунлари, нозик томонларидан яхши хабардор бўлиши лозим.

Ҳақиқий продюсер бу – санъат шайдоси; у соҳа билан пул учун эмас, айнан санъатнинг ўзи учун шуғулланади. Аммо, яхши иши учун яхши пул ҳам ишлаб олади. У бозорни яхши тушунади ва қайси пайт, қаерда нима қилишни аниқ билади. Ижодий материални танлашда эса унга ўзининг ёқтирган кўшиғи, фильми ва ёки бошқа ижод маҳсули сифатида эмас, сотилиши лозим бўлган товар сифатида ёндаша олиши талаб этилади. Севимли шакллар бор, шунингдек даромад келтирувчи шакллар бор. Шуларни фарқлай олиш ва қарор қабул қилишда адекват фикрлаш продюсерга муваффақият келтирувчи калитлардан бири ҳисобланади.

Ижодкорда руҳий тушкунлик ҳолати кузатилмаслиги керак. Продюсер энг аввало, ижодий жараёнлар учун қулай муҳит ва шароит пайдо қила олиши зарур. Ташкилий масалалардан ташқари, санъаткор кайфиятини

назорат қилиб, кўнгилсизликларга йўл қўймаслик ҳам айнан продюсер зиммасига тушади. У ҳар қайси ижодкор билан умумий тил топа оладиган моҳир дипломат ва қайсидир маънода психолог бўлиши қийин вазятлардан чиқиб кетишида қўл келади.

Продюсер – “товар”ни аъло даражада яратиб, сота оладиган моҳир тадбиркор. Бозор ва унинг конъюктурасини кузатиб бориш – продюсернинг энг муҳим вазифаларидан бири.

Агар арт бозорига оддий “олди-сотди майдончаси” деб қарайдиган бўлсак (инглиз тилида marketplace тушунчаси мавжуд), бу ҳолда даставвал Сиз “нимани сотмоқчисиз” ва “харидорингиз ким” саволларига жавоб топиб олишингиз керак.

Шундай фикр шаклланганки, *“агар санъат асари намойиш этилиб ёки сотилмас экан, уни яратишнинг ҳеч қандай маънисини йўқ: унда ички мушоҳада, медитация ва тасаввурнинг ўзи кифоялик қиларди. Санъат – қадриятларни яратиш ва уларни сотишга йўналтирилган”* [немис санъатшунос профессори – Б. Гройс].

Сиз санъат асари (арт маҳсулотини) сотмоқчисиз, бу кундек равшан. Ва бу товарингиз дўкондаги бошқа бир товардан ҳеч фарқ қилмайди. У ўз кўриниши, формати, маълум шакли ва нархига эга, махсус мўлжалланган “бозорда” сотувга қўйилган ва энг муҳими, унинг ўз мижози бор.

Аммо бу мижоз ким? “Харидорингиз кимлар?” – айнан шу саволга жавобни аниқ белгилаб олиш зарур. Жавобни белгилашдан кўра, англаб олиш, у ҳақда аниқ тасаввурга эгалик қилиш муҳим вазифангиз саналади.

Ҳаммаси равшан ва жудда оддий туюлади, бироқ...

«Selling CDs to people who buy CDs» (таржимаси – “CD (музиқа ёзилган компакт-диск)ларни CD сотиб олувчи кишига сотинг”)

[Америка мақоли]

Маҳсулотингизни сотишдан олдин, уни товар сифатида идрок эта олинг. Унинг кадри ва қийматини ҳосил қилувчи ҳар бир қисмни алоҳида сар-ҳисоб қилиб боринг. Муסיқий асар мисолида тушунтирадиган бўлсак, у маҳсулот сифатида 3 асосий компонентдан таркиб топганлигини тушуниш муҳим:

1. Ижрочи (Performer)
2. Шоу ёки томоша (Performance)
3. Муסיқий асарнинг ўзи (Music Composition)

Шунингдек, Сиз олиб бораётган тадбиркорлик фаолияти – шоу-бизнеснинг ўзига ҳос жиҳатларини назардан қочирманг.

Шоу бизнес, қайсидир маънода доим саргузаштли кечади. Ҳеч қачон олдиндан – қаерда топиб, қаерда йўқотишингизни билмайсиз. Инсон омили ҳамиша унда бош ролни ижро этади. Кўп ҳолларда айнан артист шахси билан боғлиқ муаммолар юзага келади, ва у билан ишлаш жараёнида боши берк кўчага кириб қолишингиз мумкин.

Ҳавф-хатарни иложи борича олдини олиш мақсадида, шоу-бизнес фаолияти шартномалар билан расмийлаштириб борилиши ўта аҳамиятлидир. Ҳозир шундай замонки, артист билан оғзаки келишувга кўра иш қилиш кўп ҳолларда панд беради. Ишонч – иш жараёнидаги энг муҳим омил бўлсада, доим меҳнат шартларини ёзма шаклда белгилаб бориш зарур. Бу Сизни суғуртангиз ва мартаба зинапоясида кўтарилишингизнинг асосий гарови сифатида хизмат қилади. Шартнома шунчаки чанг босиб ётиши эмас, ҳақиқатда амал қилиши лозим. Шунингдек, бу ҳужжат ҳеч бир томоннинг ҳуқуқларини чеклашига йўл қўйилмаслиги талаб этилади. Шартнома тузишда, экспертлар қуйидаги 3 нарсага аҳамият қаратишни тавсия қилишади:

1. Ҳудуд, иш фаолиятини олиб бориш майдони
2. Амал қилиш муддати

3. Фойдани тақсимлаш шартлари

***«Все скандалы из-за того, что изначально плохо договорились»
 (“Хамма жанжаллар, бошида яхшилаб келишиб олинмаганлик туйфайли
содир бўлади”)***

[Эдуард Клим, Lavina Music студияси Бош директори]

Шоу бизнесда яна бир жиҳат – иш вақти: у кун ботардан шафақгача давом этади. Яъни, иш фаолияти суткасига 24 соатгача бориши мумкинлиги, аниқ регламент белгиланмаганлигини инобатга олиш зарур.

Мақсад ҳақида тўхталадиган бўлсак, умуман олганда, шоу-бизнеснинг мақсади жуда оддий ва бир вақтнинг ўзида мураккаб. Бу – пул. Шоу биўнес оламида ҳам, одатий бозор қоидалари амал қилади.

Ҳақиқатдан, мақсад – пул топиш. Аммо, бу мақсадга эришишда энг муҳими, пул айнан санъат билан шуғулланиш учун керак эканини ёдда тутишдир.

Санъат бозорларида икки муҳим қоида амал қилади. Келинг, маркетингдан бошлаймиз. Шоу-бизнесда маркетинг доимий жонли жараённи тақазо этади. Унинг вазибалари: максимал қийматлилиқни яратиш ва даромад олиб келиш. Буларга эришишда уч босқични амалга ошириш талаб этилади:

1. Бозорга артистни олиб кириш ва жойлаштириш;
2. Тўғри тимсол (образ)ни яратиш ва мустаҳкамлаш;
3. Нархни белгилаш.

Бозорга кириб олишнинг ўзи, деярли ҳеч нарсани белгиламайди. Маҳсулотни узлуксиз равишда янгилаб бориш, ҳайратлантириш, жозибаторликни ошириб бориш талаб этилади. Тинимсиз маҳсулот борасида

бош қотириб, уни янада яхшилаш, айниқса сифат жиҳатидан устунликларни пайдо қилиш юзасидан изланиш зарур.

Парадокс шундаки, яхши сифат учун доим ҳам пул сарфлаш талаб этилмайди. Кам ҳаражатлар билан ҳам юқори сифатга эришиш мумкин. Масалан, ўзаро манфаатли келишувлар, битимлар тузиш, музокаралар олиб бориш, хизматга хизмат кўрсатиш ёки дўстлар, ҳамкорлар, қариндошларни жалб қилиш ва ҳ.зо. Шоу бизнеснинг қоидасидан бири шуки, Сизни албатта танишлари ва Сиз ўзингиз ваколатли кишилар доирасини танишингиз зарур. Жамоатчилик билан алоқалар ўрнатиш ва уни тўғри йўлга қўя олганингиз муваффақиятингиз гарови бўла олади.

Сонлар, режалар ва муддат маслалаларига тўхталсак, доим артистнинг талабгирлик даражасини белгиловчи рақамларни сарҳисоб қилиб бориш лозим – неча киши унинг ижодини кузатади, нечитаси унинг ижод маҳсули учун маблағ сарфлашга рози бўлади, нечитаси концертига келади, яна қанчаси альбомини харид қилади ва ҳ.зо

Сиз продюсер сифатида аниқ режалар асосида иш кўришингиз, уларнинг ижросини назорат остида олиб боришингиз лозим. Чунки, санъаткор ва артистларга стратегия тушунчаси бегона бўлиб, шу сабабдан иш жараёнини бошқариш ва мувофиқлаштириш одатда, продюсер зиммасига тушади.

Бирор ишни бажаришга қарор қилган бўлсангиз, чўзманг. Шоу-бизнес соҳасида, битта эпчил икки ақлини ортда қолдириб кетади – Сиз ўйлагунигизгача, бошқалар яратиб бўлади.

Шунинг учун, агар бирор ишни қилишингиз кераклигини ҳис қилсангиз, дарҳол ҳаракатни бошлаш лозим. Қанчалик оддий эштилмасин, аммо яхши продюсер бу – довюрак ва ҳаракатчан ишбилармон. Бу оддий қонуният, ҳаракатда барокат. Хатар мавжуд бўлсада, усиз натижа ҳам бўлмайди.

ХУЛОСА

Маънавиятни, маданиятни ва санъатни, қолаверса, ижодкори ва санъаткорини улуғлаган халқ тенглар ичида тенгсиз, улуғлар ичида улуғ ва ягона юртга айланиши шубҳасиз тарих исботлаган ҳақиқатдир.

Истиқлол йилларидан бошлаб, юртимизда ўзбек миллий мусика ва кино санъатини янада ривожлантириш, ёш истеъдод эгаларига йўл очиб бериш, уларни қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш, ижрочилик санъатининг ютуқ ва тажрибаларини умумлаштириш, соҳа тараққиёти учун зарур имкониятлар яратиш, бадиий юксак асарларни тарғиб этиш мақсадида мамлакатимизда йирик ислоҳатлар ўтказилиб келинмоқда. Маданият соҳасига алоҳида эътибор қаратилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Агар, илк истиқлол йилларида маданият соҳаси тўлақонли давлат қармоғи остида амал қилган бўлса, ҳозирда бу соҳада ҳам тадбиркорлик фаолиятининг қўлланилишига, замонавий овоз ёзиш ва кино тасвирга олиш студиялари, продюсерлик марказларининг очилишига имкон яратилиб, уларнинг фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Бугунги кунда юртимизда юздан ортиқ ижодий студиялар, продюсерлик марказлари мавжуд бўлиб, улардан баъзилари шоу бизнес оламида ўз мавқеларини мустаҳкамлашга эришишган бўлса, баъзилари фаолияти йўналишини ўзгартиришга ёки бутунлай тўхтатишга мажбур бўлган. Сабаби, шоу-бизнес соҳаси ва продюсерлик фаолияти масалалари ҳали юртимизда чуқур ислоҳ этилмаган ва бир тизимга солинмаган, шунингдек, соҳага оид қонун ҳужжатлари базаси ҳам тўлақонли шакллантирилганича йўқ. Ва энг долзарб масалалардан бири, арт-менежерлар (продюсерлик марказларининг раҳбарияти) ўз фаолияти давомида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, технологик омиллар таъсирида юзага келадиган кўпгина муаммоларга дуч келиш билан бирга, улар бошқа соҳаларда кузатилмайдиган мураккаблик – ижодкор табиатига хос

беқарорлик, “юлдузлик касаллиги”дан азият чекадилар. Яъни, продюсерлар аниқ олинган ижодий гуруҳ ёки санъаткорларнинг “муваффақият формуласини” яратиб, уларни “парвоз”га тайёрлайдилар, жуда катта куч, маблағ ва вақт сарфлаб “юлдуз” даражасига олиб чиқадилар. “Сайқалланмаган олмосдан жавоҳир тайёрлайдилар”, аммо вақт ўтиб, баъзи санъаткорлар машҳурликка эришгач, манманликка берилиб, продюсерга бўйсунини хоҳламай қоладилар. Продюсер ўз меҳнатининг самарасини, фойдасини энди кўраман деганида, “юлдузлар” лойиҳани тарк эта бошлайдилар, шартнома шартларини бузиб, бошқарувдан чиқиб кетадилар. Баъзида эса, тўй-хашамларга чиқиб, ярашмайдиган қилиқлар билан продюсерининг барча меҳнатини бир пулга чиқарадилар.

Шу ва бошқа кўплаб масалалар продюсерлик фаолиятини олиб боришда қийинчиликлар туғдириб, янги лойиҳалар устида изланишда иккиланишлар, ҳадикларни пайдо қилади.

Бу каби нохушликларнинг бартараф этиш учун соҳа нозикликларини чуқур тушунадиган, зиддиятли ва кўнгилсиз ҳолатлар олдини олиб, мавжуд камчиликларни бартараф эта оладиган, янгича фикрлайдиган, кучли фантазия ва кенг салоҳиятга эга, ижодий ва ташкилотчилик қобилиятларини ўзида мужассамлаган продюсерларни тарбиялаш ниҳоятда долзарб экани маълум бўлади.

Шунинг учун, ушбу битирув малакавий ишда биз продюсерлик касбининг ниҳоятда мураккаблигини, унинг вазифалари, ижодий жараёни ташкил қилишдаги бажариши лозим бўлган услублар ва мезонларни илмий асослаб, очиб беришга ҳаракат қилдик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

1. 2001 йил 26 июндаги “Эстрада кўшиқчилик санъатини янада ривожлантириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 272-сон Қарори

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Т.: “Маънавият”. 2008.

3. Меъёрий ҳужжатлар тўплами.

1. Маданият соҳасига оид меъёрий ҳужжатлар тўплами. Тошкент – 2011
2. “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси фаолиятига доир меъёрий ҳужжатлар тўплами. Тошкент – 2011

4. Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

1. Сайфуллаев Б.С., Рустамов В.Қ. Продюсерлик маҳорати асослари. Т.: Фан ва технология. 2015.
2. Умаров М. Эстрада ва оммавий томошалар тарихи. Т.: “Янги аср авлоди”. 2009.
3. Аксюттик Н.И., Макарова Е.А. Арт-менеджмент как вид управленческой деятельности в сфере искусства и культуры. Москва, 2008.
4. Иванов Г.П., Огурчиков П.К. “Основы продюсерства” аудиовизуальная сфера. Москва, “Юнити” 2012.
5. Маматқосимов Ж.А. Оммавий байрамлар режиссурасида саҳна маданияти. Т.: “Фан ва технология”. 2009.
6. Эшбеков Т. Жамоатчилик билан алоқалар ва ахборот хизматлари. Т.: ЎзМУ. 2012.

7. Жданова Е., Иванов С., Кротова Н. Управление и экономика в шоу-бизнесе., Москва, “Финансы и статистика”, 2003.

Китоблар ва монографиялар

1. О.Эрмакова. Креативный продюсер. М., 2006.
2. Криштул Б. Кинопродюсер. М., 2000.
3. Коновалова А. Маленькие секреты большого шоу-бизнеса, Санкт-Петербург, “Питер”, 2004.
4. Блек С. Паблик рилейшнз. Что это такое? / С. Блек. – Москва, “Новости”, 2000.
5. Newsom D, Scott A, Turk J.V. This is PR. The Realities of Public Relations. – Belmont, California, 1993.
6. Корнеева С. Как зажигают звезды. Технологии музыкального продюсирования, Санкт-Петербург, “Питер”, 2004.
7. Роднянский А. Выходит продюсер. М., 2013.
8. Захаренко Е. и др. Новый словарь иностранных слов. Ростов, “Феникс”, 2006.

6. Интернет сайтлари

1. Ziyonet – Ўзбекистон таълим портали
2. www.uzbeknavo.uz/ – “Ўзбекнаво” ИИЧБ сайты
3. <https://ru.wikipedia.org/wiki>
4. <http://www.proart.uz/>
5. <http://www.tarona.net.uz/>
6. <http://muloqot.uz/>

ИЛОВАЛАР

Иловаларда продюсерлик марказлари ўз фаолияти давомида мурожаат қилишлари кўзда тутилган айрим ҳужжатларнинг намуналари келтирилган.

(фирма бланкининг белгиси)

№ _____
Сана _____ 2016 йил

«Ўзбекнаво» эстрада
бирлашмаси раҳбарига

АРИЗА

(тижорат ва реклама мақсадларида ташкил этиладиган концерт-томоша тадбирлари учун)

Сиздан, “AZIA INVEST EVEREST” маъсулияти чекланган жамият концерт-томоша тадбирининг ташкилотчисига концерт-томоша тадбирига бир марталик рухсатнома беришингизни сўраймиз.

Ташкилот жойлашган жой : М.Улуғбек тумани АТемур кўчаси-2, ИНН 303333333.

Ваколатли шахс: Директор Ахмаджонов Ахмаджон Ахмадилиевич,
АА.1234567,
М.Улуғбек тумани ИИБдан берилган.

Телефон: +99890 123 4567, **факс:** 235-35-35 эл. манзил info@ custo.uz

Концерт-томоша тадбири ўтказиладиган объектнинг тўлиқ номи ва жойлашган жойи: Тошкент шаҳар “Истиклол” санъат саройи, “Бунёдкор” кўчаси 2-уй

Концерт-томоша тадбири ўтказиладиган сана, унинг бошланиши ва тамом бўлиши вақти 2016 йил 15 февраль соат 19.00 дан 21.00гача

Концерт-томоша тадбири тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон халқ артисти Гулсанам Мамазоитованинг “Сени куйлайман ҳаёт” деб номланган концерт дастури.

Аризага илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати (ҳужжатнинг номи ва варақлар сони), ҳаммаси _____ варақда, шу жумладан:

а) юридик шахс — концерт-томоша тадбири ташкилотчисининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги

тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

б) концерт-томоша тадбирининг ариза берувчи томонидан тасдиқланган дастури (сценарийси);

Раҳбар _____
(имзо)

_____ (Ф.И.О.)

М.Ў.

ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ

РАВШАН КОМИЛОВНИНГ

“ОЛАМ ТИНЧ БЎЛСА”

ДЕБ НОМЛАНГАН ЯККАХОҲОН КОНЦЕРТИ

СЦЕНАРИЙСИ

Ўтказилиш жойи:

“Истиқлол”

санъат саройи

Ўтказиш вақти:

9-10 март 2015 йил

соат 19:00

I. АСОСИЙ ҒОЯ

Концертнинг асосий ғояси, уни ўтказишдан асосий мақсад ёки бирор-бир байрам муносабати билан ўтказилаётганлиги аниқ кўрсатилиши керак.

II. ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАР

Концерт ўтказиладиган бинонинг ички ва ташқи қисмларини безатилиши, техник ва ёрдамчи ускуналар билан таъминланганлиги аниқ кўрсатилиши керак.

Соат 18:30 дан ташриф буюрган меҳмонлар ва мухлислар аста-секин залга кириб ўз жойларини эгаллашади.

III. КОНЦЕРТНИНГ БОШЛАНИШИ

Соат 19:00

Саҳна пардаси ёпилган овоз кучайтиргич мосламаларидан фанфар садолари янграб, саҳнага бошловчи (*Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, сухандон – Ўткир Сиддиқов*) чиқиб келади.

Ў.Сиддиқов: - Санъат – бу ҳаётнинг зийнати эрур

Элдаги баётнинг ҳикмати эрур

Дилдаги фарёднинг хизмати эрур
Илоҳий илҳомдан яралган диёр
Санъат – юракларда юксалган баҳор.

- Ассалому алайкум, ҳурматли хонимлар ва жаноблар! Қадрли қўшиқ шайдолари ва азиз санъатсевар дўстлар! Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Равшан Комиловнинг **“Олам тинч бўлса”** деб номланган концерт дастурига хуш келибсиз!

Бошловчи ёки бошловчилар томонидан ўтказилаётган концерт ҳақида, концерт бераётган хонанданинг ижоди ҳақида қисқача маълумот беради.

Парда очилади. Саҳнада созандалар ўз ўрнини эгаллаган. Хонанда ижросидаги биринчи қўшиқ бошланади.

1-БЛОК

Концерт давомида ижро этиладиган қўшиқлар ёки мусиқий асарлар номи тўлиқ ва аниқ ёзилади. Қўшиқ бастакори, шоири ва мусиқий безакчисининг исм-шарифи тўлиқ кўрсатилиши шарт.

Мисол учун:

“Байрам таронаси” – Мирзо Карим сўзи, Иқбол Муҳаммад мусиқаси, Ёқуб Сиддиқов мусиқий беагаи.

Дастур давомида меҳмон санъаткорлар ёки сўз усталари иштирок этса уларнинг исм-шарифлари тўлиқ кўрсатилади. Меҳмон санъаткорлар ижро этадиган асарларининг ҳам муаллифлари аниқ кўрсатилиши шарт.

Концерт дастурида иштирок этадиган раққосалар, созандалар, меҳмон санъаткорлар ҳамда сўз усталари “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси томонидан берилган лицензия ва унинг муддати концерт куни ўтгунга қадар тугамаган бўлиши шарт.

Саҳнага чиқаётган раққосалар, созандалар, меҳмон санъаткорлар ҳамда сўз усталарининг саҳна либослари, уларнинг саҳнадаги ҳатти-ҳаракатлари ўзбек менталитетига, одоб-ахлоқ меъёрларига тўғри келиши шарт.

Концерт дастуридаги қўшиқлар кетма-кетлигидан келиб чиққан ҳолда концерт 3 ёки 4 қисмга ажратилиши мумкин.

Концертни бошловчиларнинг сўзлари билан ёки финал қўшиқ билан якунаш мумкин.

Концертларда ижро этиладиган қўшиқларнинг матнлари, бошловчилар томонидан айтиладиган гаплар ва шеърлар миллий менталитетимиз, маънавиятимизга мос келиши ҳамда оммавий маданият, диний ақидапарастлик, терроризм ҳамда миссионерлик давъатлари ва бошқа шунга ўхшаш бузгунчи гояларни ўзида мужассам этмаслиги шарт.

Сценарийнинг охирида қуйидаги жумлалар ёзилган бўлиши керак:

“Фонограмма орқали ижро этилади”,

“Жонли ижро этилади”

“Сценарийга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмайди. Ташкилотчи ёки режиссёр томонидан ўзбошимчалик билан ўзгартирилса ва ўз вақтида ўзгаришлар ҳақида “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмасига ўрнатилган тартибда хабар берилмаса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ чора кўрилиши ҳақида огоҳлантирилдим”.

Сценарийда концерт ёки тадбирнинг ташкилотчисининг Ф.И.Ш., режиссёри, сценарий муаллифи, балетмейстери кўрсатилиши ҳамда имзо ва ташкилотнинг мухри билан тасдиқланиши шарт.

(фирма бланкининг белгиси)

**Тошкент шаҳар
ИИББ бошлиғи
М.А. АДИЛОВга**

Ҳурматли Мирсамад АГЗАМОВИЧ!

Ўзбекистонда ўзбек санъатини тарғиб этиш ва кенг ёйиш йўлида фаолият кўрсатаётган МЧЖ “ART MODERN MUSIC” продюсерлик маркази таниқли ва ёш санъаткорларни қўллаб-қувватлаш, ўзбек санъатини нафақат Ўзбекистонда, балки хориж давлатларида ҳам кенг ёйиш, ўрганиш ва доврўғини таратишдек савоб йўлда хизмат қилиб келмоқда.

Шу боис Сиздан 2014йил 3 сентябрь куни 19:00 Россиялик хонанда Дан Балан концертини “Истиклол” санъат саройида режалаштирдик. Концерт дастуримизга рухсат беришингизни ва бизни қўллаб-қувватлашингизни сўрайман.

Эътиборингиз учун аввалдан ўз миннатдорчилигимни билдираман.

“ART MODERN MUSIC”

МЧЖ раҳбари

Ф. МУРАДОВА

(фирма бланкининг белгиси)

Ўзбекистон Республикаси
Ташқи Ишлар вазирлигига

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз дунёга кенг йўл очди. Чексиз имкониятлар эшиги эса юртимизда турли соҳаларнинг ривожига катта таъсирини кўрсатмоқда. Дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан иқтисодий, ижтимоий, маданий алоқалар эса йиллар сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Жумладан, Россия санъати ва маданияти вакилларининг Ўзбекистонга ташрифи аҳил-иноқ истиқомат қилаётган турфа миллат эгалари – юртдошларимизни хурсанд қилмоқда.

“ART MODEREN MUSIC” МЧЖ 2014 йилнинг 3- сентябрь кунида Россия ва Молдова артисти Дан Балан концерт дастурини “Истиклол” санъат саройида ўтказишни режалаштирилган. Шу боисдан хонанданинг уз жамоаси билан юртимизга ташрифи борасида муносабад билдиришингизни илтимос қиламиз.

Ҳурмат билан

“ART MODEREN MUSIC”

МЧЖ раҳбари

_____ Мурадова Ф. З.

“Тасдиқлайман”



И.Мирзаалиев
2019 йил « 5 » февраль

Эстрада санъати соҳасида фаолият юритаётган санъаткорларни хориж давлатларига чиқиши ТАРТИБИ

I. Умумий қоидалар

1.6. Эстрада санъати соҳасида фаолият юритаётган санъаткорлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ хусусий, жамоат ишлари бўйича, сайёҳлар сифатида, ўқишга, ишга, даволанишга, ижодий (гастроль-концерт) хизмат сафарига чет элга эркин бориш ҳуқуқига эгадирлар.

1.7. Мазкур Тартиб эстрада санъати соҳасида фаолият юритаётган санъаткорларни хорижий мамлакатларга боришларига жорий қилинади.

1.8. Чет элга бориш учун зарур бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низомга мувофиқ ички ишлар органлари томонидан берилади.

1.9. Хорижий хизмат сафарларини ташкил этиш ва улардан самарали фойдаланилиши учун масъулият хизмат сафарларига юборувчи ижодий жамоа – юридик шахслар раҳбарлари зиммасига юкланади.

1.10. Сафар олдидан ижрочи – жисмоний шахс ва ижодий жамоа – юридик шахс "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмасида суҳбатдан ўтказилади.

II. Эстрада санъати соҳасида фаолият юритаётган санъаткорларни чет элга боришларини расмийлаштириш тартиби

2.4. Чет элга бормоқчи бўлган ижрочи – жисмоний шахс ва ижодий жамоа – юридик шахслар белгиланган тартибда ариза ёзган ҳолда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасига мурожаат қиладилар.

Аризада қўйидагилар кўрсатилиши лозим:

- ижодий жамоа – юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, юридик манзили;
- чет элга таклиф қилаётган тараф ҳақида маълумот;
- концерт-томоша тадбирини ўтадиган хорижий мамлакат номи;
- концерт-томоша тадбири санаси;

- зарур деб топилган бошқа маълумотлар.

2.5. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси аризани 15 кунлик муддатда кўриб чиқиб, тегишли хулоса беради, чет элга сафарга чиқувчилар реестрини юритади.

2.6. Чет элга борувчи санъаткорлар хорижий давлатнинг визасини олиш учун тегишли давлатларнинг дипломатик ва консуллик ваколатхоналарига мурожаат қиладилар.

2.7. Хусусий контракт бўйича чет элга ишлаш учун боришни расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишув бўйича амалга оширилади.

2.8. Чет эл сафари билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштириш учун йиғим ундирилмайди.

III. Чет элга бориш ҳуқуқидаги чеклашлар

3.8. Қуйидаги сабаблар чет элга бориш ҳуқуқини чеклаш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин:

а) агар фуқаро давлат сири ҳисобланган маълумотлардан воқиф бўлса ёки унинг чет элга боришига монелик қилувчи бошқа шартнома, контракт мажбуриятлари амалда бўлса – бу ҳолатларнинг амал қилиши тугагунга қадар;

б) агар фуқарога нисбатан жиноий иш қўзғатилган бўлса – иш судда кўриб чиқилгунга қадар;

в) агар фуқаро суднинг ҳукми билан алоҳида хавфли рецидивист деб тан олинган ёки милициянинг маъмурий назорати остида бўлса – судланганлик бекор қилинмагун (олиб ташланмагун)га қадар ёки назорат қилиш тўхтатилгунгача;

г) агар фуқаро унга суд томонидан юклатилган мажбуриятларни ижро этишдан бўйин товлаётган бўлса – мажбуриятларни ижро этмагунга қадар;

д) агар фуқаро ўзи тўғрисида қасддан сохта маълумотларни берган бўлса;

е) агар судда фуқарога нисбатан фуқаролик даъвоси қўзғатилган бўлса – иш кўриб чиқилгунга қадар;

ж) агар фуқаро чақириқ участкасида рўйхатга олинган ва ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилиши керак бўлса – ҳақиқий муддатли хизматни ўтагунга қадар ёки қонунга мувофиқ ундан озод қилинганга қадар;


з) агар жисмоний шахс – ижрочи ёки ижодий жамоа – юридик шахслар аввал хорижда сафарда бўлиб, ноқонуний хатти- ҳаракатлар содир этган бўлса.

IV. Чет элга бориш ҳуқуқи рад этилганлиги устидан шикоят қилиш тартиби

Ушбу Тартибнинг III бўлимида назарда тутилган асослар бўйича чет элга боришга рухсат беришнинг рад этилиши, жавоб беришнинг белгиланган

муддатдан ортиқча кечиктирилиши устидан чет элга чиқмоқчи бўлган санъаткор юқори органга шикоят қилиши мумкин. Бу орган бир ойдан кўп бўлмаган муддатда жавоб бериши керак. Санъаткор унинг қароридан норози бўлганда судга шикоят қилиши мумкин. Мазкур Тартибнинг III бўлими "б" ва "ж" бандларида кўрсатилган сабаблар бўйича чет элга бориш ҳуқуқини чеклаш устидан шикоят қилиниши мумкин эмас.


Бирлашма Бош директори

 А.Хайдаров

*Шартнома, контрактлар тузишга
кўмаклашувчи юрист ва менежерлар
бошқармаси бошлиғи*

 Ф.Маҳмудхўжаев

Юрист-маслаҳатчи

 Л.Аббасханов